



HURRIYAT

Mustaqil gazeta

201
A
Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston MK

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqarib boshlagan * Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru * www.uzhurriyat.uz * 2019-yil 7-avgust, chorshanba * № 23 (1136)

МАҲОРАТ ШЕВАСИ



Куни-кеча Республика Маънавият ва маърифат маркази қошида ташкил этилган “Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзо-ларидан бир гуруҳи билан жойларда бўлди. “Беш ижобий ташаббус”нинг ҳаёти-мизга татбиқ этилиши юзасидан Фарғона вилоя-тининг Марғилон, Қувасой, Қўқон, Фарғона шаҳарларида ва Фарғона, Ёзёвон туманларида ўтказилган маъна-вий-маърифий учрашуларда иштирок этдик.

⇒ 2-бет

ИЙМОН САЛОМАТ БЎЛСА...



Суицид ҳам шариатда, ҳам жамиятда ҳаммиша қораланган. Ўз жонига ихтиёрий тарзда қасд қилиш жамиятга, ахлоққа, Худога қарши қаратилган жиноят, деб баҳоланиши керакми ёки бу унинг яшаш ҳуқуқига ўхшаш ҳуқуқларидан бири бўлиб, инсон ундан ўзи истаганча фойда-ланиши мумкинми, деган саволлар ҳам ўртага ташланган.

⇒ 3-бет

Клара ЖАЛИЛОВА: ТАҚДИРИМДАН МИННАТДОРМАН...



Юртимизда “Мафтунингман” фильмини кўрмаган, “Дўппи тикдим” қўшиғини эшитма-ган санъат ихлосманди бўлмаса керак. Суҳ-батдошимиз Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Клара Жалилова бошқа ҳамкасблари-дан, умуман, тенгдошларидан фарқ қилади. Дилидаги тилида бўлган актриса билан суҳ-батлашни мароқли.

⇒ 6-бет

7 кун

• ЯНГИЛИКЛАР
• ХАБАРЛАР
• ВОҚЕАЛАР

Президентимиз Дональд Трампга ҳамдардлик билдирди

4 август куни Шавкат Мирзиёев Эль-Пасо, Дейтон ва Чикаго шаҳарларида рўй берган фожеали воқеаларда кўплаб инсонлар ҳалок бўлгани ва жабрлангани муносабати билан Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампга ҳамдардлик билдирди.

Техас штатининг Эл-Пасо шаҳридаги “Walmart” савдо мажмуасида содир бўлган отишмада 20 киши ўлдирилган, 26 киши яраланган эди. Кейинроқ, Охайо штатидаги Дейтон шаҳрида 10 киши ўқотар қурол воситасидаги ҳужум туфайли ҳаётдан кўз юм-ган. Чикагода номаълум шахснинг тунги соат 1²⁰ ларда ўз машинаси ичидан туриб болалар май-дончасига қарата ўқ узгани оқибатида эса 19 ёшдан 25 ёшгача бўлган 7 киши яраланган.

Сув келтирган — элда азиз

Тошкент вилоятининг барча ҳудудларида бўлгани каби Нурафшон шаҳрида ҳам аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш ишлари бошлаб юборилган.

Хозир Нурафшон шаҳридаги “Кумарик” маҳал-ласининг “Кумарик” шох, “Тошкент йўли”, “Шабнам” ва “Ёшлик” кўчаларида ичимлик суви қувурлари ўтказилмоқда. Шу пайтга қадар 4,1 километрик сув қувурлари ётқизилиб, маҳалланинг 80 фоиз аҳолиси тоза ичимлик суви билан тўлиқ таъмин-ланди. Албатта, хайрли ишлар давом этапти.

— Нурафшон шаҳридаги ичимлик суви тизимлари қурилиши ва реконструкция ишлари учун 13 милли-ард 800 миллион сўм ажратилган, — дейди Нураф-шон шаҳар “Сувовоқа” филиали ишлаб чиқариш тех-ник бўлими бошлиғи Иззат Икромбоев. — “Тошкент йўли” кўчасининг шаҳар ҳудудидан ўтувчи қисмида яшовчи аҳолини тоза ичимлик суви билан таъмин-лаш учун 7 256,6 миллион сўм, Нурафшон шаҳрида қуввати 4 минг куб.метр бўлган оқова сув тозалаш иншооти ҳамда оқова сув қувурини қуриш учун эса 41 000 миллион сўм маблағ йўналтирилган.

Улкан мажмуа

Самарқанд вилояти “Ургут савдо комплек-си” масъулияти чекланган жамияти ҳудудида-ги 1,25 гектар майдонда 4 қаватли савдо мажмуаси ва унга туташ 7 қаватли автотурар-гоҳ қурилмоқда.

Тумандаги “Афсона пласт престиж” МЧЖ, “Big stroy building” қўшма корхонаси хитойлик ҳамкор-лар билан биргаликда бунёд этаётган ушбу иншо-отнинг лойиҳа қиймати 131,7 миллиард сўмни таш-кил этади. Савдо мажмуасида 670 та дўкон фаоли-ят кўрсатиши кўзда тутилган. 7 қаватли автотурар-гоҳда эса бир вақтнинг ўзида 14 мингдан ортиқ автомобилни жойлаштириш имкони яратилади.

“Ичан қалъа”да қовун сайли

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривож-лантириш давлат қўмитаси матбуот хизмати хабарига кўра, 11-13 август кунлари Хоразм вилоятининг Хива шаҳридаги “Ичан қалъа” давлат музей-қўриқхонаси ҳудудида анъанавий “Қовун сайли” ўтказилади.



Ўзбек полиз маҳсулотларини кенг тарғиб қилиш орқали маҳаллий ва хорижий сайёҳлар эътибори-ни жалб этиш ва сайёҳлар оқимини янада ошириш мақсадида ўтказилаётган мазкур тадбир доираси-да полиз (қовок, тарвуз) ва мевали боғ маҳсулот-лари (шафтоли, олма, узум, нок ва қуруқ мевалар) кўргазмаси бўлади. Тадбирда маҳаллий фольклор-этнографик гуруҳлар, ёш эстрада хонандаларининг чиқишлари, театрлаштирилган сахналар ва ҳунар-мандчилик маҳсулотлари намойиши ҳам бўлиб ўтди.

Ўз мухбирларимиз.

» Арафа



Улуғ фазилатли кунлар

Президентимиз томонидан шу йилнинг 2-августидан имзоланган “Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида”ги қарорда алоҳида таъ-кидланганидек, миллий-диний меросимизни асраш ва улуғлаш халқимизнинг азалий қадри-ятларидан ҳисобланади. Зеро, муборак Қурбон ҳайити байрамининг мазмун-моҳиятида ҳам меҳр-оқибат, шукроналик, бағрикенглик син-гари улуғ фазилатлар мужассам.

Муқаддас динимиз, шария-тимизда жорий этилган ҳар бир ҳукумни тўлиқ англаб, сўнг уни амалиётга мукамал татбиқ этиш учун, аввало, унинг луға-вий ва асл маъноларини би-либ олиш жоиз. Аллоҳ таоло

мўмин бандалари зиммасига бадан, тил ва қалб билан ба-жариладиган ибодатлар билан бир қаторда молиявий ибодат-ларни ҳам юклаганки, бу сизу биз учун раҳматдир. Бу ибо-датлар Аллоҳ таоланинг ризо-

лигига, ҳидоят ва иноятига эришишда муҳим, албатта.

“Қурбонлик” сўзи луғатда яқин бўлиш, қурбат ҳосил қилиш маъносини англатади.

“Қурбонлик”нинг фазилати улуғ бўлиб, Аллоҳ ризолиги учун чин ибодат ила собит ният билан муайян кунларда тури, ёши ва бошқа жиҳатлари асо-сида динимиз белгиланган жон-лиқни қурбонлик қилишдир.

Қурбонлик қилишдан асосий мақсад эса илоҳий амрга ито-ат этган ҳолда, Аллоҳ берган неъматларга шукроналик кел-тирмоқ ҳисобланади.

Қурбон ҳайити кунлари

сўйиладиган жонлик “узъя” деб аталади. Бундай номлани-шига сабаб ҳайитнинг бирин-чи куни чошгоҳда қурбонлик сўйиш вақтининг бошланиши-ни англатади.

Қурбонликка аталган ҳайвон-нинг қийматидаги маблағ (пул)-ни садақа қилиш қурбонлик ўрнига ўтмайди. Албатта, ҳар ким имкони етса, сўйиладиган жониворни Аллоҳ ризолиги учун қурбонлик қилиши даркор.

Суюкли Пайғамбаримиз Му-ҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам умматларига қурбонлик қилишнинг вожиб бўлгани — улуғ саодат.

Қолаверса, қурбонлик қилиш фақатгина Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам даврларида эмас, балки баша-рият яратилгандан бери мав-жуд. Аллоҳ таоло ўзининг му-қаддас каломида марҳамат қилади:

“Бас, Раббингга номоз ўқи ва жонлиқ сўй” (Кавсар сураси, 2-оят).

Жалолиддин Румий ҳазрат-лари “Маснавийи маънавий” асарида ажиб бир ҳикояни келтиради. Бир қишлоқда ни-ҳоятда ғариб, камбағал киши яшар эди. Бир йили қаҳатчи-лик бўлиб, қудуқлар, ҳовузалар қуриб қолди. Одамлар ҳолдан тойган, ҳалиги бечоранинг эса аҳволи янада оғир эди.

Бир куни хотини унга: “Баг-дод халифаси ниҳоятда қарам-ли, саховатли, деб эшитган-ман. Унинг олдига боринг, шояд биз ҳам рўшнолик кўрсак”, деди. Эри унга: “Ха-лифанинг ҳузурига совға-са-лом билан бориш керак. Биз-да ҳеч вақо йўқ бўлса”, — деди. Шунда хотини: “Сойда чуқуқ сув йиғилиб қолган. Бундай ширин сув халифа ҳузурига бўлмаса керак. Ўша сувдан бир идишга солиб олиб боринг” — деди. Бу фикрдан мамнун бўлган эр суви кўза-га солиб, йўлга равона бўлди. Хотин эса эрининг эсон-омон бориб келишини Яратгандан тилаб дуо қилди.

У Бағдодга етиб бориб, ха-лифа ҳузурига кирди. Халифа ундан: “Қўлингга нима?” — деб сўради. Халиги одам: “Бу жаннат суви. Бундай сувни ҳеч ким, ҳеч қачон ич-маган” — деди.

6

» Обод манзиллар

Янгиланаётган Сирдарё



Ўзбекистон Журналистлари ижо-дий уюшмаси томонидан ташкил этилган Медиа-тур иштирокчилари билан Сирдарё вилоятига йўл олди. Маълумки, вилоят пойтахт-дан у қадар олис эмас. Атиги 80 км. Ҳамкасбларнинг қизик ҳанго-малари билан манзилга етиб бор-ганимизни ҳам сезмай қолдик.

Вилоятда амалга оширилаётган катта бунёдкорлик ишлари, ижти-моий-иқтисодий, маданий соҳа-

ларда қўлга киритилаётган ютуқ-лар, ўзгариш ва янгиланишлар билан танишиб, дастлабки тасав-вурларимиз ўзгарди. Бизни Сир-дарё туризмнинг бренди саналган “Чехра” истироҳатгоҳида вилоят ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижти-моий ривожлантириш ва маъна-вий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Отабек Абдуғаниев ва маданий-маърифий соҳалар вакиллари кутиб олди.

4

» Таассуф

Маҳаллий кенгашларга сайланган депутатнинг асосий вазифаси аҳоли мурожаатлари асосида уларнинг му-аммосини ҳал этиш ҳамда уларнинг манфаатлари йўлида ташаббус кўрса-тишдан иборат. Ахир, бугун депутат-нинг фаолиятига нисбатан масъулият юклатилган, аммо у ўз вазифасини бажарса-ю бошқа бир қатор мутасад-ди ташкилот раҳбарлари халқ вакили бўлган ноибнинг сўровига нисбатан беписандлик қилса-чи?

Депутат мурожаатлари нега жавобсиз қолмоқда?

Ўзбекистон “Адо-лат” СДП Халқ депу-татлари Когон шаҳар Кенгаши депутати Мухиддин Самиевга Когон шаҳридаги “Хўжабарги” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи фуқаролардан ички йўллари таъмирлаш масаласи бўйича му-рожаат келиб тушди.

Депутат аҳоли му-рожаатларидан келиб чиққан ҳолда Когон шаҳар ободонлашти-риш бошқармасига жорий йилнинг 10 июль санасида ўзи-нинг депутатлик сў-рови билан чиқди.

Унда “Хўжабарги” МФЙдаги “Хўжабар-ги” кўчасининг ички йўллари таъмирта-лаб аҳволда эканли-ги тўғрисида қайд этилган.

2

► Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!

Ҳазрат Алишер Навоий "Фарҳод ва Ширин" достонининг ўттиз бешинчи бобида зиёли хотин-қизларга қуйидагича таъриф беради:

*Келиб ҳар қайси бир фазл ичра моҳир,
Маҳорат шеваси ҳар бирда зоҳир.*

Маҳорат шеваси

Ушбу мисраларни ўқиганимизда кўнглимиздан ҳаяжонли, буюк туйғулар кечади. Ҳазрат ўз даврида хотин-қизларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши, уларнинг касб-хунар танлаши, ижтимоий соҳаларда фаол бўлиши, мамлакат келажагининг жонқуярлари сифатида уларга яратиб берилиши керак бўлган имкониятлар, шароитлар ҳақида фикрлаган, орзу қилган. Бир кун келиб аёллар ҳаётини яхшилашга, улар меҳнатига адолатли баҳо беришга, жамиятда улар мавқеининг ошишига катта умид боғлаган, ишонч билдирган. Бу сатрлар замирида тарих, бугун ва келажаки яратувчилар фазлу фазилатларида мужассам.

Агар бугун Ҳазрат мамлакатимиз раҳбарининг хотин-қизларга ҳурмати, уларнинг меҳнатига бўлган эътибори, бахтли яшашлари, қувончдан кўзлари яшнаган оналарнинг ёш авлод тарбиясидаги ўрнини янада мустаҳкамлаш, зарур шароитларни яратиш учун олиб бораётган сиёсатларига гувоҳ бўлганида, бундан-да гўзал дostonлар битган бўларди, шубҳасиз.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган "бешта ташаббус" ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб олинди. Республикаимизнинг ҳар бир қишлоқ, туман ва шаҳарларида бешинчи ташаббус — хотин-қизлар бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар шунинг қўрсатдики, бугун жамиятда ўз ўрнини топиши керак бўлган ғайратли, истеъдодли, ҳаётий тажрибага эга — 5 775 нафар, ўрта даражадаги — 8 792 нафар, қўлида тўлиқ ўрта маълумотлиги ҳақидаги ҳужжати бўлмаган — 9 696 нафар хотин-қизнинг турли курсларда ўқитилиб, ишга жалб этилиши биргина мамлакат раҳбарининг эмас, балки барча бугунги кун фидойиларининг зиммасида турган муҳим вазифадир.

Ижтимоий тармоқларда фарзанди оғир касалга чалинган, бор бундини сотиб даволаётган, саҳий инсонлардан ёрдам сўраётган оналар аҳволидан воқиф бўлиб, ҳам фикр қилмаётган, енгил-елпи йўллар билан мўмай пул топиш мақсадида бани башарият юзини қаро қилгулик даражада жиноятга қўл ураётган хотин-қизлар ҳам бор. Миллатимиз тарихида қулоқ эшитиб, кўз кўрмаган тубанлик, яъни ўзининг ва ўзгалар фарзандини сотаётган, шохона ҳаёт илмида уйини ташлаб бошқа давлатларда юриб, хорлик азобини тор-



таётган, миллатимиз шаънига доғ тушираётган хотин-қизларнинг аянчи тақдири ана шундай ташаббусларнинг амалга оширилишига эҳтиёж туғдирмоқда. Яқиндагина Президентимиз Шавкат Мирзиёев топшириқларига кўра Суриядан Ўзбекистонга қайтарилган хотин-қизларнинг ўзга юрда ўтказган фожиали ҳаётлари бунга яққол мисолдир. Бу ҳақдаги кўрсатув ва эшиттиришлар оммавий ахборот воситалари, интернет тармоқларида берилди ва кўпчиликини ўйга толдирди.

Куни-кеча Республика Маънавият ва маърифат маркази қошида ташкил этилган "Маърифат" тарғиботчилар жамияти аъзоларидан бир гуруҳи билан қайларда бўлди. "Беш ижобий ташаббус"нинг ҳаётимизга татбиқ этилиши юзасидан Фаргона вилоятининг Марғилон, Кувасой, Қўқон, Фарғона шаҳарларида ва Фарғона, Ёзёвон туманларида ўтказилган маънавий-маърифий учрашувларда иштирок этдик. Унда ёшларимизнинг, хотин-қизларнинг маърифатли бўлиши учун кутубхоналарнинг қайта тикланиб, бугунги кун талабларига жавоб берадиган бадий асарлар билан бойитилаётгани айтиб ўтилди. Туманларда бешинчи ташаббус борасида қилинаётган ишлар ҳақида берилган маълумотлар орқали фикрлашилди, таклифлар берилди. Ҳаётимизнинг ҳар лаҳзасида янги саҳифалар очилмоқда. Юртдошларимиз онгида юксалишни кўриш иштиқи турли соҳа фидойилари бўлган инсонларнинг шиориға айланди.

Сафаримиз охирида Эркин Воҳидов номидаги ижтимоий фанлар йўналишидаги истеъдодли ёшлар мактаб-интернатининг директори Нигорахон Маннопова:

— Поезд жўнагунча ярим кун вақтимиз бор. Мен сизни Бувайда туманига олиб

борсам. Чунки яқинда беш ташаббуснинг илк ижроси сифатида туман марказида "Ёшлар боғи" барпо этилди. Ёшларимиз илмга чанқоқ, китобсевар. Ҳозир, таътил пайтида бизни кўришса, хурсанд бўлишди. Сиз ҳам бир кўриб, танишиб кетасиз, — дея таклиф билдириб қолди.

Нигорахон опанинг таклифи кўнглимга сариёғдай ёқиб тушди. Биргаликда Марғилондан Бувайда туманига қараб йўл олдик. Енгил машина Фарғонанинг текис ва равон, гўзал ва кўркем кўчалари бўйлаб олиб борар экан, "Янги Фарғона"нинг ойжамолига ҳамоҳанг Нигорахон йўл бўйи гўҳ Ҳазиний, гўҳ Увайсийдан газаллар айтиб, бизни тўқилантириганидан Бувайда тумани марказига қандай етиб борганимизни ҳам билмай қолибмиз. Машинадан тушишимиз билан ўз номи билан навақирон кўриниш касб этиб турган, 14 гектар жойга барпо этилган, бағрида донишманд чинорлар, илк нави-хол арчалар бўй кўрсатаётган "Ёшлар боғи" дарвозаси кўринди.

— Хуш келибсизлар, Нигорахон, Фароғатхон, бизнинг Бувайда туманимизга. Келганларингиз, айна муддао бўлди, бунинг насиба дейдилар. Биз аслида сизларга хабар беришга улгуролмадик, узр. Энди фаол аёллар, туман раҳбарлари билан бошчи бўлиб ўтказамиз-да, деб турганимизда энг қизгин тadbирларимизнинг устига келдигиз, — дея бизни кутиб олди чех-раси ёруғ, хушчақчақ аёл — туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Оляхон Асқарова.

Бу ерда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича меҳнат ярмаркаси бошланган экан. Дарвозадан кирганда беш ташаббус номига қўйилган бешта бекат ҳам ўз иқтидор эгалари билан банд эди. "Му-сика, рассомлик, адабиёт,

театр ва санъат", "Спорт", "Ахборот технологиялари ва интернет", "Китобхонлик", "Хотин-қизларни иш билан таъминлаш" бекатлари ўзига хос маъно касб этувчи баннерлар билан безатилган. Ёш рассомлар сурат чизиш билан бирга, "Китобхонлик" бекатидан келган болаларга дарс ҳам ўтаётди. Айниқса, охириги санаган бекатимизда 400 дан ортқ хотин-қизнинг меҳнат ярмаркасида иштирок этаётгани, боғ ўртасида турган "Тез ёрдам" машинаси ёнида ўндан ошиқ шифокор аёлларни кўришдан ўтказаятганини, УЗИ ап-

лашлари учун уйларида цех очишлари, хунарамандчилик, қандолатчилик билан шуғулланишлари учун нимаики ёрдам керак бўлса, кўмаклашяпмиз. Бу имконсиз иш эмас аслида. Давлатимиз раҳбари бошчилигида халқимиз ҳаётини яхшилаш учун зарур имкониятларни яратишга ҳаракат қилишимиз керак. Ҳар бир аёлнинг бир ишнинг бошини тутиб, рўзғорига кўмақдош бўлиши, қўли ҳалол пул кўриши учун ўзида жонқуярлик бўлиши лозим. Баъзан эса хузурунгга кўз ёш қилиб келган аёлларнинг муаммоларини ечишга киришганимизда уларга ачинасан, киши. Ана шундай пайтларда вазифамизнинг ниҳоятда масъулиятли эканини янаям чуқурроқ англаймиз. Олдинги давр ўтиб кетди, лекин бугунги куннинг талабини оддий, илми, хунари йўқ аёлларга аниқлаштириб босқичлари осон кечмайди.

Тўғри-да, раҳбар вақти келса раҳбар сифатида эмас, балки жонқуяр дўст сифатида элдошлари билан суҳбатлашиши, дардига мал-ҳам бўлиши, сирдош бўлиши керак. Бунинг эса Оляхон опанинг хотин-қизлар билан қилаётган суҳбатларидан кўриб, эшитиб қувондик.

Олий Мажлис Сенатининг ййирмани ялпи мажлисида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг: "Бир нарсани тан олиш керак: аёллар халқнинг дардини бошқалардан кўра чуқур ҳис қилади. Бу йил декабрь ойида Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларда меҳнаткаш ва оқила аёлларимиз қанчалик кўп сайланса, бундан давлатимиз ҳам, жамиятимиз ҳам фаяда наф қўлади", деган сўзлари янгради. Ушбу сўзлар ўзбек аёлларининг юрагини буюк машъала бўлиб ёритди. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси Танзила Норбоеванинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати расолигига сайланиши мамлакатимиз тарихида мисли кўрилмаган тарихий воқеа бўлди. Бундай юксак ишонч мамлакатимизда бўлаётган ўзгаришларга, янгиланишларга ўз хиссасини қўшаётган аёлларимиз каторида оддий уй бекаси бўлмиш опа-сингилларимизни ҳам руҳлантиради, шубҳасиз. Кечаётган ўзгаришларга нисбатан барчамизнинг қалбимиздан ўтаётган хурсандчилик, умид ва ишонч бу халқимиз ҳаётига кириб борадиган бундан-да яхши кунлардан дарақдир. Бир пайтлар чет давлатлардаги сиёсат оламида ном чиқарган лидер аёлларга қараб, бизнинг ўзбек хотин-қизлари ҳам ҳавас қилар эди. Опа-сингилларимиз гўҳ пинхона, гўҳ ошқора орзу қилган ва кутган кунлар мана шу дамлар эди, аслида...

Ота-боболаримиз дарахт эксанг, унинг мевасини ўзинг кўрмасанг, келажак авлод кўради, деган ўғит билан ерга ниҳол қадаган. Зеро, ҳар бир эзгу ташаббусни амалга оширишда бир тану бир жон бўлиб, фақатгина сон эмас, балки аввало сифат даражасини кўтаришга эришмоқ, фидойи халқимизнинг энг олий мақсадирид.

**Фароғат
худоқулова.**

Депутат мурожаатлари нега жавобсиз қолмоқда?

Шунингдек, депутат Жобир Ҳақимов ҳам айнан юқорида номи келтирилган ташкилотга "Навзира-бод" МФЙда истиқомат қилувчиларнинг ички йўллар билан боғлиқ мурожаатларидан келиб чиққан ҳолда жорий йилнинг 3 июль санасида депутатлик сўровини киритади. Аммо депутат сўрови ўзининг амалий натижасини кўрсатмади. Чунки Когон шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси депутат сўровига масъулият билан ёндашмай, белгиланган вақтда жавоб бермади. Ваҳоланки, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутати мақоми тўғрисида"ги қонуннинг 8-моддасида депутат сўровига 10 кун муддат ичида маълумот тақдим этиши лозимлиги қайд этилган ва бу депутат томонидан йўлланган сўровда ҳам алоҳида таъкидланган. Маълумки, ички йўллар мутасадди раҳбарлар томонидан дастурда белгиланган тартибда таъмирланади, аммо бу халқ сўрови — депутат сўровига беъэтибор бўлиб, унга жавоб йўлламаслик дегани эмас!

апрелда яна ташкилотга қайта тақдим этилган.

Мутасадди ташкилот раҳбарларига аҳолининг мавжуд муаммосини ечиш эмас, балки Ўзбекистон "Адолат" СДП Ромитан туман Кенгаши ходимлари томонидан жамоатчилик назорати ўрнатилган ҳолда умумтаълим мактабларидаги ўқув дарсликларининг ҳолати ўрганилгани, бу борада таклифлар киритилгани ва айти киритилган таклифлар юзасидан қандай амалий ишлар олиб борилаётгани хусусида маълумот берилиши сўралган, холос.

Энг ачинарлиси, 7-сонли рақам билан қайд этилган 22 апрелда қайта тақдим этилган сўровда "25 март 6-сонли депутатлик сўрови туман Халқ таълими бўлимига юборилди ва депутат томонидан йўлланган сўровига жавоб қайтарилмади", деб алоҳида таъкидланган. Шу билан бирга сўров олган масъул шахс томонидан "бир нусхасини олдим", дея имзо-ланган ҳам.

Тўғри, ҳар бир мутасадди ташкилотнинг ўзига яраша вазифалари кўп. Аммо депутат ҳам халқ фик-



Халқ депутатлари Ромитан туман Кенгаши депутати Даврон Шукуров ҳам Ромитан туман Халқ таълими бўлимига бир эмас, нақ икки марта сўров киритган. Аммо, лекин...

Сўровда депутат томонидан умумтаълим мактабларида мавжуд дарсликларнинг ўрганилганлиги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда бир қатор киритилган таклифлар юзасидан туман Халқ таълими бўлими томонидан қандай амалий чоралар кўрилаётгани тўғрисида баён этилган эди. Бу мазмундаги дастлабки сўров 2019 йилнинг 25 мартда берилган бўлса, 22

ридан келиб чиққан ҳолда ташкилотга мурожаат қилиб, ўз фаолиятига ижобий ёндашишга ҳаракат қилади. У шунчаки халқ томонидан сайланган эмас, аксинча, халқ билан яшаб, унинг дардини астойдил ҳис этиб, унинг мурожаатларини қонун доирасидан чиқмаган ҳолда ҳал этиб бериш мақсадида сайланган. Шундай экан, депутат сўровига беписандлик халқ муаммосига беписандлик қилган билан баробар эмасми?

**Моҳиғул
АБДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон "Адолат"
СДП Бухоро вилоят
кенгаши матбуот котиби.**

► Куюнчак муштарийлар

Миллий валютаимиз ён дафтар ёки расм чизадиған

"ПОЛОТНО" ЭМАС!



Миллий валютаимиз сўм Ўзбекистон ҳудудида яшовчи ва ўндан фойдаланувчи одамлар учун энг зарурий ва кундалик муомала воситалардан биридир.

Бирок минг афсуски, айрим инсонлар давлатимиз мулки ва рами бўлган миллий валютаимизга нисбатан лоқайдларча муносабатда бўлаётганликлариға гувоҳ бўламиз. Унга оддий бир қозғодек қарайдиганлар ҳам бор. Баъзан тўйларда меҳмонлар эътиборини тортиш учун бойваччаларнинг бир-бирларига "қистир-қистир" қилишлари, келин-куёвнинг устидан пул сочиб юборишларига қараб, ачинаиб кетасан киши. Айниқса, ёнида қилпилаб турган рақосага қараб "эриб" кетган пулдор ака-хонларнинг чангал-чангал сўмларни намоийшкорона узатиши, яна

камига сочиб юбориши четдан қараганда қанчалик баҳкана бўлса, миллий валютаимизга нисбатан шунчалик ҳурматсизлик эмасми? Наҳотки, сўмимизнинг оёқ остида сочилиб ётиши виждонимизни заррача қийнамаса? Тўйда ўзларини саҳий қилиб кўрсатаётган бундай акахонлар қўлидаги ана шу ортиқча пули билан бирор эҳтиёжманд оиланинг юқини енгил қилса, ҳам савобға қоларди, ҳам пулларини эзгу йўлда сарфлаган бўларди.

Афсуски, валютаимизни "ён дафтарга" айлантириб олган қишлоқ ҳам учрайди. Қай бир танишининг телефон рақами, исм-фамилияси

ёки "фалончига мунча беришим керак", "фалон числода пулни қайтариш керак", деган мазмундаги гаплар ёзилган пуллар ҳам баъзан қўлимизга тушиб қолади. Валютаимизнинг юқини бежаб расм чизадиганларга нима дейсиз? Ё бир фаросатсиз одамнинг қўлига тушган ё боласи эрмак қилганми?

Аслида, пулни сақлашнинг ҳам ўзига яраша қонун-қоидаси борлигини кўпчилигимиз унутиб қўйганмиз. Чўнтакларда қимматли, эзилиб, қирланиб кетган сўмларда давлатимиз рамзлари, қолаверса, гурури мужассам эканини ҳам унутмайлик.

Телеканалларнинг бирида намоийш этилган кўрсатувда қайд этилишича, пулда турли микроб ва инфекциялар бўлар экан. Шунинг учун улардан фойдалангач, албат-

та, қўлларни совунлаб ювиш лозимлиги, акс ҳолда инфекциялар одамларда турли хил юқумли касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мутахассислар томонидан таъкидланган эди. Ҳақиқатан ҳам, ўз саломатлигимиз учун шахсий гигиенага амал қилиш ҳам пулдан фойдаланишнинг яна бир муҳим шартидир.

Бундан ташқари, сўмимизнинг ҳар бир донасини ишлаб чиқариш учун кетган сарф-харажат ва меҳнатни ҳисобга олиш лозим. Маданиятсизлик қилиб миллий валютаимизни, аввало, ўзимиз қадрсиз қилмаёلمизми? Ёки уни тоза-покиза сақлаш учун ҳам бирор масъул идоранинг қақирғини, буйруғини қутиш керакими?

Муҳайёбону ҚУРБОНОВА
Қашқадарё вилояти.

» Хидоят

Муқаддас манбаларда қайд этилишича, Аллоҳ таоло бандаларини ер юзини обод қилишга, оила қуришга ва бошқа хайрли ишларга буюрган, жамики гуноҳ ишлардан эса қайтарган. Пайғамбаримизнинг муборақ ҳадисларида ҳам “Хар бир иш ниятга боғлиқ, ким нимани ният қилса, ўшанга етади”, дейилади. Буларни англолмаган киши нима қилади, кайфиятини қай тарзда баён этади? Ўз жонига қасд қилиш биланми?

Иймон саломат бўлса...

17 июль куни самарқандлик (Ургут туманидаги Оқ бува кишлоғида яшаган) тўрт нафар фарзанднинг онаси 42 ёшли Г. Х. Дарғом каналига ўзини ташлаб, жонига қасд қилган. Унинг ёнида 6 яшар кизалоғи ҳам бўлган. Қизчани яқин-атрофдаги одамлар қутқариб қолган. Бу аёлни шу ишга мажбур қилган сабаб нахотки тўрт боланинг тақдириндан устун бўлса? У фарзандлари вояга етгунча уларнинг ҳаётига масъул эди-ку! Нега мўътабар калом — она мақомидан воз кечди?

25 июль куни Самарқанд шаҳридаги 64-сонли ўғил болалар учун ихтисослашган мактабнинг 8-синф ўқувчиси ўзини осиб қўйган...

Ижтимоий тармоқларда кун — кун ора тарқалаётган бундай совуқ хабарларни ўқиш, эшитиш билан вужудингиз музлайди, оғир ўйлар исканжасида қоласиз.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳар йили дунёда 4-5 миллион киши ўз жонига қасд қилиш туфайли оламдан ўтар экан! Сўнгги йилларда ўз жонига суиқасднинг энг юқори кўрсаткичи ривожланган мамлакатларда қайд этиляпти. Ҳар 100 минг кишига Литвада 68,1, Беларусда 63, Россияда 58, АҚШда 52, Шри Ланкада 44, Украинада 40 та ҳолат тўғри келади. Европа мамлакатлари бу борада олдинги ўринларда турибди. Ана шундай мудҳиш қарорга келиб, дунёдан кўз юмганлар орасида машҳур шахслар ҳам бор. Бундай хабарларни кўпгина сайтларда учратиш мумкин. Ушбу глобал муаммонинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ҳам мавжуд, албатта. Ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш Халқаро ассоциацияси Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ҳамкорликда ҳар йили 10 сентябрни жаҳонда ўз жонига қасд қилишчиларнинг олдини олиш кунидеб эълон қилган.

Ўзбекистонда мана шу аянчли ҳолат бўйича йилига ҳар 100 минг кишига 5,2 ҳолат тўғри келаёттир. Бу ҳақда яқинда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ўтказган брифингда маълум қилинди. Мамлакатимизда жорий йилнинг ўтган даврида ўзига-ўзи суиқасд қилиш кўрсаткичлари тахлил қилинганда, эркаклар билан боғлиқ ҳолат 57,3, аёллар билан боғлиқ ҳолат 42,7 фоизни ташкил этган. Республикаимиз аҳолиси 33 миллиондан ошганини инобатга олсак ва фоизлар кесимида чамаласак, йилига 700 дан ортиқ эркак ҳамда 600 га яқин аёл ўз жонига қасд қилаётгани маълум бўлади.

Бу нима ўзи? Ўз-ўзини жазо-



лашми ёки охирикими?

— Ўз жонига қасд қилиш оғир гуноҳ экани унга тайинланган жазодан ҳам маълум, — дейди Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги “Кулол-Қўрғон” жоме масжиди имом-ноиб Баҳодир Мухаммад. — Бу инсон ўз қўли билан содир этадиган энг оғир жиноятлардан биридир. Динимизда ушбу жиноятнинг ҳукми гуноҳи қабира (улкан гуноҳ) саналади. Аллоҳ кечирмайдиган гуноҳ эса ширқидир. Ширқдан бошқа барча катта-кичик гуноҳлар учун банда холис тавба қилса, кечирилишига умид бор. Аллоҳ таолонинг гуноҳкор бандалари учун тавба эшиклари доимо очик. Лекин инсон ўз жонига қасд қилса, унга тавба қилишга имкон бўлмайди. Чунки бу гуноҳи қабири содир этган кишининг ҳаёти ана шу шум ҳаракати билан тугайди. Бу ишга қўл урган киши одам ўлдирган билан баробар қўрилади. Ачинарлиси, яқинларини доғда қолдириб, Аллоҳ берган умр неъматига ношукрлик қилган бўлади.

Исломда хоҳ ўзини, хоҳ бировни ҳаётидан маҳрум қилиб ўлдирсин гуноҳи бир хилдир. Чунки оятда бир кишини ноҳақ ўлдирган одам кўпчиликини ўлдирган, бир кишига ҳаёт бахш этган киши эса бутун инсониятга шуни раво қўрган билан тенглаштирилади. Муқаддас Қуръони каримнинг Анъом сураси 151-оятда шундай дейилади: “Аллоҳ тақоиллаган жонни ноҳақ қатл қилмангиз”.

Бундан келиб чиқадики, бандани мўмин Яратганнинг ўлчаб берган умрига хиёнат, қасд қилиши гуноҳи азимдир. Нима бўлганда ҳам одам фарзанди бу беш кунлик синов дунёда бошига келадиган қийинчилик ва машаққатларга бардош бера олмай, умр деб аталган буюк омонатга хиёнат қилиши улкан гуноҳ бўлиши билан бирга, му-

аммонинг ечими ҳам бўлмайди. Аксар ҳолларда инсонни бунга ундовчи омил ягона эмас. Динсизлик, маърифатсизлик, тўқчилик, йўқчилик, шахвоний, нафсоний севги, ўз жонига қасд қилишни муаммонинг ечими сифатида кўриш, охират, қайта тирилиш, қиёмат ва дўзахдаги азоб-қўбатлардан беҳабарлик, руҳий хасталик кабилар ана шундай мудҳиш хатога йўл қўйишга сабаб бўлади. Санаб ўтилганлар орасида руҳий хасталиқдан ташқари бошқа муаммоларнинг ечимини топиш мумкин. Маърифатли, Яратганга муҳаббатли инсон ўзига ўзи бундай ҳукм чиқариш қуфр эканини билади. Демак, нажот маърифатда, илмда.

Ҳа, дарвоқе, суицид ҳам шариатда, ҳам жамиятда ҳақиқат қораланган. Ўз жонига ихтиёрий тарзда қасд қилиш жамиятга, ахлоққа, Аллоҳга қарши қаратилган жиноят, деб баҳоланиши керакми ёки бу унинг яшаш ҳуқуқига ўхшаш ҳуқуқларидан бири бўлиб, инсонундан ўзи истаганча фойдаланиши мумкинми, деган саволлар ҳам ўртага ташланган. Айни пайтда турли халқларнинг ўзига ўзи бундай ҳукм чиқаришига қарши қўллайдиган қонуний жазо чорала-

ри ҳам бор. Масалан, Ҳиндистонда ўзини ўлдирган уринган шахс бир йил озодликдан маҳрум қилинади ёки жаримага тортилади. Сингапурда ҳам худди шу сабаб туфайли бир йил қамоқ жазоси берилади.

Мамлакатимизда ўзини ўлдирганда, яъни қўлини, алдаш ёки бошқа йўл билан ўзга шахсда шу ҳисни йўтотган кишига нисбатан жазо белгиланган. Бу Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 103-моддасида қайд этилган бўлиб, бундай шахслар икки йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Жорий йилнинг 13 февралда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори эса ана шундай ноҳуш ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган. Концепция Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиялари, аҳоли руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматлари борасида катта муваффақиятларга эришган илғор мамлакатлар тажрибасига асосланган ёндашвларни қамраб олади. Ушбу қарорга кўра, “Ўзбекистон Республикаси Бош психиатри” ва “Ўзбекистон Республикаси Бош суицидолог” лавозимлари жорий қилинган.

Бундан ташқари, жорий йил 7 июнда Вазирлар Маҳкамасининг “Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Унда аҳолига психологик хизмат кўрсатиш етарлиқа йўлга қўйилмагани

оқибатида жамиятда ижтимоий-психологик, жумладан, оилавий муаммолар (ажримлар, оиладаги низолар, ота-она ва фарзанд муносабатлари, қариндошлар ўртасидаги никоҳ, эрта туғруқ), “оммавий маданият”нинг салбий таъсирларига тобелик, ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари давом этаётгани қайд этилган. Ушбу қарор асосида психологик хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Қарорда республиканинг чекка ҳудудларида амалиётчи психологларга бўлган эҳтиёжнинг ҳисобга олган ҳолда 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб психология таълим йўналиши бўйича талабаларни давлат гранти асосида мақсадли қабул қилиш, олий таълим муассасаларининг магистратура босқичида психология бўйича мутахассисликлар квоталарини кескин ошириш каби бир қатор ва-зифалар белгиланган.

Ёзувчи Тоҳир Маликнинг “Шайтанат” асаридаги Анвар образини эсга олайлик. Ҳақиқат, адолатга топиладиган бу йигит атрофдаги ноҳақликларга қарши курашолмай, ўз жонига қасд қилади. Ёзувчи ўша давр жамиятидаги чиркин муҳит ҳур фикрни қандай бўғиб ўлдирганини ушбу образ орқали кўрсатган. Бугун-чи, бугунги суицидларга кўпроқ нималар сабаб бўлмоқда?

— Одамларда ҳаётга бўлган муносабат, дунёқараш ўта саёзлашиб бораётгани ана шундай оғир гуноҳга қўл уришга олиб келаяпти, — дейди психология фанлари номзоди Одина Отажоновна. — Жиддий қийинчиликлар инсонни руҳан кучли, чуқур мулоҳазали бўлишга ундайди. Ҳозирги кунда бунга хожат йўқ, енгил ҳаёт эса одамни курашувчанликдан қайтарди. Майда-чўйда икир-чикирларни ҳам қабул қилолмайдиган ожиз қилиб қўяди. Кейинги вақтда кишилар, айниқса, ёшлар нарсанинг, воқеанинг ташқи томонидан қараб хуло-са қилмоқда, ички моҳиятга эътибор беришмаяпти. Буюк файласуфлардан бири айтгани каби инсон аввало ўзлигини, дунёга келишдан мақсадини англамоғи керак. Глобаллашган бугунги дунёда фақат мукаммал диний ва дунёвий тарбиягина инсонларни асраб қола олади. Темперamenti жиҳатдан ўта таъсирчан бўлган меланхоликларга ҳушёрлик билан муносабатда бўлиш талаб этилади. Кўпгина ҳолларда улар ана шундай мудҳиш хатоларга йўл қўйишлари мумкин...

Мутахассисларнинг фикрича, ўз жонига қасд қилиш бирданми, бир кунда рўй бериб қолмайди. Ўтказилган тадқиқотларга кўра, ўзини ўлдирганлардан 90 фоизи қайсидир даражада руҳий саломатлик муаммосига йўлиққанлардир. Аммо дастлабки босқичда бу у қадар сезилмайди. Шунинг учун мутахассислар эрта огоҳ берувчи хавотирли белгиларга эътибор қаратиш кераклигини таъкидлашган.

Одам зотининг жони қанчалик қадри эканини шундан билса ҳам бўладики, жонга талафот етиш хавфи бўлган пайтда диннинг аркони бўлган ибодатларда енгиллик берилган. Масалан, сув ишлатиш хавфи бўлганда таяммум қилиш, намозни тик туриб ўқишга имкони йўқ инсон ўтириб ўқиши, бемор киши рўзани бошқа вақтда, яъни тузалган, тутиб бериши, йўли хавфли бўлган кишига то ушбу хавфдан халос бўлгунча ҳажнинг фарз бўлмай туриши каби жиҳатлар шулар жумласидандир.

Ҳа, биз инсонларга Яратган томонидан кўп неъматлар ато этилган. Шулардан энг улуғи иймондир. Ушбу неъмат тирик жонлар ичиде фақат мукаррам зот — одамгагина хос. Уни асрай билган киши эса ўз ҳаётини ҳам асрай олади.

Холида ФАЙЗИЕВА.

» Китобхонлик

Балки кимдир бизни ҳам хотирлаб қўйса зимдан, Парчалаб қабр тошин дермиз: “Лаббай!”, у замон.

Абдулла ОРИПОВ.

Умрининг сурурли йилларида шоир шундай лутф қилганди. Тафаккурининг уммоний теранлигини инкишоф этганидек, тирриклик бозорида кўп нарса унутилади, бироқ, “унутилмас асло яхшилар олдидаги қарз”! Бугун тақдир ҳукми ана шу ёзуқни ўқиб турибди: шоир фоний дунёни тарқ этди, энди унинг яхшиликлари эсланади: кимгадир кўрсатган илтифоти, инсоний ёрдами ва албатта, миннатдор ўзбек халқи учун миллий адабиёт ривожини йўлида қилган эзгу амаллари!

“...Яхшилар олдидаги қарз”



Бинобарин, академик Акмал Саидов ва журналист Фулом Мирзоянинг “Сен баҳорни соғинмадингми?” хотиралар китоби ана шундай меҳр-қўшаниннг самарасидир, дейиш мумкин. Албатта, туйғулар ихзориани улғу шоирдан ўтказиб ифода-лаш қийин. Китоб номи ҳам улғу шоирнинг машҳур шеърининг олинган.

Тўпламга ҳафсала ва дид билан тартиб берилган. Унга жамланган ҳар бир битик зоҳирий мавзу юзасидан ва шоир умрининг долғали йилларидаги ботиний ҳикматдан сўзлаётгандек бўлади. Зеро, унда соф расмий ёки дипломатик ёзувларнинг киритилиши ҳам маълум ҳақиқатларни далиллайди. Негаки, ўз даврида Абдулла Орипов нафақат шоир, балки йирик давлат ва жамоат арбоби сифатида ҳам улкан маҳобат кашф этганди. Бу табаррук исм-шариф тарихга доир кўплаб ҳужжатларда дарж этилган. Шу туфайли “Абдулла Орипов сийрати” деб номланган биринчи қисм ҳам, “Жондек азиз хотира” деб аталган иккинчи боб ҳам тарози палласидек мантиқни ушлаб турибди. Умуман давлат мадҳиялари ёки “Данте Алигьери” ҳақидаги теран мулоҳазалар ҳам, самимий ва эҳтиросли хотиралар ҳам ёрқин тимсолни яхлитликда тасаввур этишга самарали хизмат қилади.

Албатта, келажақда “Ўтлуғ илҳом” билан ёзилган ҳар бир шеър турли ўлчамларда таҳлил қилинади, бу нодир санъатнинг сирини инкишоф қилишга уринади, аммо шу изланишлар қаторида муқтақил давлат мадҳияси яратилиши билан боғлиқ тафсилотлар ҳам янги тадқиқотларда, қолаверса, шоир ижодий олами-ни тасаввур қилишда асқотади. Ёки бир пайтда “Бугун дедам у манам, манам” тарзида инкор этилган мавзунинг шоир ижодида ўзгача кўлам кашф этиш тадрижини тасаввур қилишда шубҳасиз академик Акмал Саидовнинг мулоҳазалари йўлчилик вазифасини бажариши мумкин. Шунингдек, шоир Абдулла Орипов ижодида анчайин дард ва шодумонлик кашф этган “Илоҳий комедия” таржмасини, Данте юртида кўрсатилган эъзоз ҳақидаги ҳароратли қайтлар улғу шоир ижодининг умуминсоний моҳиятини англаш-

да, ҳам иқтидорининг энг қийин синовларга қандайин дош берганини эътироф этишда ҳужжатли далил бўлиб хизмат қилади. Таржимоннинг ўзи тан олганидек, Данте уни жаҳоний сарҳадларга олиб чиққан эди. Яна китобнинг қимматли томонларидан бири шундаки, муаллиф буюк италияни шоири маънавий дунёсини тўла тасаввур эта олган тадқиқотчи сифатида Абдулла Ориповнинг миллий Дантешуносликка қўшган ҳиссасини яхлит ва комил тарзда кўрсатиб бера олган. Бу мулоҳазалар шу йўналишдаги кейинги тадқиқотларда компас вазифасини бажариши мумкин.

Айтиш мумкинки, Абдулла Орипов дастлабки шеърлари тилга тушиб, эътироф этилганидан сўнгги кунларигача шеър аҳлининг маъғига айланди, уларга устоз мақомида турди. Бугунги кунда ўзбек шеърини янги ва мислсиз тўлқин билан тўлишгани эътироф этилмоқда. Бу ҳол, аввало, буюк Навоий соҳир нафасининг авлодларига етиб борганида зоҳир бўлса, иккинчидан, замондош шоир Абдулла Ориповнинг шеърга, унинг ҳар бир сатрига, энг майда унсурини ниҳоятда талабчанлик билан ёндашганлигининг ибрати сифатида тан олинмоқда. Абдулла Орипов шеъринида биронта бўш қофия, сакта сатр ёки юксиз қолган сўз йўқ. Ижодда бундай қомилликка эришиш жуда кам инсонларга насиб этади. Ҳозирги ёшлар ана шу талабдан келиб чиқиб ёзганларига ёндашмоқда, ўзларига баҳо беришлари, таъбир жоиз бўлса, аввал Абдулла Ориповнинг “имтиҳон”дан ўтиб, кейин қалам тутмоқни ихтиёр этмоқлари ҳозирдир.

Кўп асрлик шеърини тасаввур этишга самарали хизмат қилади. Албатта, келажақда “Ўтлуғ илҳом” билан ёзилган ҳар бир шеър турли ўлчамларда таҳлил қилинади, бу нодир санъатнинг сирини инкишоф қилишга уринади, аммо шу изланишлар қаторида муқтақил давлат мадҳияси яратилиши билан боғлиқ тафсилотлар ҳам янги тадқиқотларда, қолаверса, шоир ижодий олами-ни тасаввур қилишда асқотади. Ёки бир пайтда “Бугун дедам у манам, манам” тарзида инкор этилган мавзунинг шоир ижодида ўзгача кўлам кашф этиш тадрижини тасаввур қилишда шубҳасиз академик Акмал Саидовнинг мулоҳазалари йўлчилик вазифасини бажариши мумкин. Шунингдек, шоир Абдулла Орипов ижодида анчайин дард ва шодумонлик кашф этган “Илоҳий комедия” таржмасини, Данте юртида кўрсатилган эъзоз ҳақидаги ҳароратли қайтлар улғу шоир ижодининг умуминсоний моҳиятини англаш-

ҲАКИМ САТТОРИЙ.

» Огоҳлик

Қутуриш (гидрофобия) иссиққонли ҳайвонларда учрайдиган, нейротроп вирус қўзғатилган касалликдир. Бизнинг шароитда унинг табиий манбалари қаровсиз қолган уй ҳайвонлари ва сичқонлар ҳисобланади. Касаллик асосан ҳайвоннинг сўлағи орқали юқади. Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, одамлар ўртасида қайд этилаётган қутуришнинг дастлабки кўринишлари билан боғлиқ ҳолатларнинг ўртача 20 фоизи дайди итларга, 80 фоизи эса эғали итларга тўғри келмоқда. Бу эса итлар билан муомалада эҳтиёткорлик зарурлигини англатади.

Хавфли касалликдан йироқ бўлинг!

Касалланган уй ҳайвонлари — ит ва мушуклар атрофдаги одамлар учун катта хавф тугдирди. Қутуриш билан зарарланган ҳайвон сўлағида касаллик бошланишидан 10

кун олдин вируслар ажрала бошлайди. Шунинг учун ҳам одамни тишлаган ҳар қандай ҳайвон 10 кун давомида ве-теринар кузатувида бўлиши шарт. Шу давр ичиде агар

жонзотда ушбу хасталикнинг бирор белгиси пайдо бўлмаса, ит тишлаган киши учун ҳеч қандай хавф йўқ ҳисобланади. Агар ўн кун давомида унда қутуриш касаллиғи белгилари юзага келса, демак, одам ҳаёти ҳам хавф остида қолади.

Касалликнинг яширин даври одамларда 7 кундан 1 йилгача, лекин кўпчига 20-60 кун бўлади. Яширин даврининг давоимийлиги, жароҳатнинг ҳажми, қандай жонзот тишлагани, шунингдек, жароҳат ўрни қай даражада тозалана ювля-ланлигига кўп нарса боғлиқ. Одамларда мазкур хасталикнинг кечиси бошлангич, спастик-қўзғалиш, паралитик-фалажла-ниш босқичларида бўлади.

Касалликнинг бошланиш ҳолатида тишланган жароҳат чандиғи соҳасида уеишши, чумоли юргандек қитқила-ниш, тишланган қўл ёки оёқни совуқдек сезиш ҳолат-лари кузатилади. Бемор ўй-қусида безовта бўлади, кай-

фияти тушади, иштаҳаси бўғи-либ, оғзи қурийд, кўнгли ай-нидди, қусадди. Касалликнинг 2-3 кунда иккинчи босқич бошланади. Ҳаво етишмасли-ги, ютинишининг қийинлаши-ши, кучли оғриқ сезиш куза-тилади. Тана ҳарорати 39-40 даражага кўтарилиб, оёқлар фалажланиб, охир-оқибат бе-мор вафот этади. Касаллик 5-9 кун давом этади.

Қутуриш касаллигини даво-лаб бўлмайди, фақат эмлаш йўли билан қутурган ит тиш-лаган кишининг ҳаётини сақ-лаб қолиш мумкин. 1885 йилда француз олими Луи Пастер би-ринчи бўлиб вакцина орқали эмлаш йўли билан организмда қутуришга қарши иммунитет пайдо қилиб, касалликнинг олдини олишга эришган.

Уй жонзотлари тишлаши-дан жабрланганларни қутуриш касаллигига чалиниш хавфи олдини олишнинг бирдан-бир йўли махсус вакцина билан тўлиқ ва ўз вақтида эмлаш

курсини қабул қилишдир. Биринчи тиббий ёрдам кўрсатишда жароҳат тоза сув билан совуқ ёрдамида ювил-са, вируслар нейтралланади ва йўқолади. Бундай муола-жа 3 кун давом эттирилади. Жароҳат атрофига йод сур-каб, стерил антисептик боғ-лаб қўйилади. Уч кунгача тиш-ланган жароҳат атрофини ке-сиш ва тикиш мумкин эмас.

Итлар кўчада фақат зан-жирга боғланган ҳолда, тум-шук тасмаси билан сайрга олиб чиқилиши тавсия этила-ди. Ит эгалари жабрланган фуқароларга етказилган жис-моний, моддий ва маънавий ҳамда давлатга етказилган за-рарларни қонун асосида қоп-лаб беришлари шарт. Аммо инсон ҳаётини ҳеч нарса би-лан қоплашининг имкони йўқ. Шунини асло унутмайлик!

Райхон ЗИЯДУЛЛАЕВА,
Шайхонтоҳур тумани
ДСЭНМ врач.



Янгиладанаётган Сирдарё

КИСҚА ДАВРДАГИ КАТТА ЎЗГАРИШЛАР

Дастлаб, Сирдарё туманида олиб бориладиган ишлар билан танишдик. Очигини айтиш керак, бир пайтлар "дотация"да ўтирган ушбу туман кейинги уч йил ичида саноати ривожланган, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларини хорижий давлатларга кенг қўламда экспорт қилаётган илгор туманлардан бирига айланибди. Худуддаги "Сирдарё фарм", "Бахт фарм", "Пенг Шенг", "Мега люкс" каби корхоналар асосий маҳсулотларини Марказий Осиё мамлакатларига экспорт қилаётди. Чунинчи, "Сирдарё" эркин иқтисодий зонасида фаолияти йўлга қўйилган "Сирдарё универсал ойна" масъулияти чеклан-

кил этиш имкониятларини кенгайтиради.

Медиа-тур катнашчилари замонавий корхоналарда инфузион идишлар ишлаб чиқариш жараёнини ҳайрат билан кузатиб, қўлаги қувонди. Авваллари фақат пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослашган туманда энг замонавий, Марказий Осиёда ягона кластер тизимидаги корхоналар фаолият кўрсатаётгани энг чекка ҳудудларда индустрияни ривожлантириш йўлида йирик лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётганидан далолат беради.

"Пенг Шенг" — Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасида керамик плиталар, сантехника маҳсулотлари, терини қайта ишлаш, пойабзал буюмлари тайёрлашнинг замонавий технологиялар асосида

зо этади. Қўшма корхонада яқин йилларда 20 гектар майдонда замонавий иссиқхоналар қуриш лойиҳаси амалга оширилади.

Туманда сув ресурсларини тежаш, томчилатиб сугориш ишларини пахтачиликка кенг жорий этиш борасида ҳам ибратли ишлар йўлга қўйилган. Томчилатиб сугориш усули ғўза майдонларида қўлланганида гектарига оддий усулдагига қараганда 1200-1500 кубометр ўрнига 500-600 кубометр сув сарфланади. Техника далага кирмагани сабаб ёқилги сарфи уч баравар камайдди. Боз устига ғўза 15-20 кун олдин пишиб етилади. Ҳосилдорлик ҳам оддий усулдагига қараганда, 15-20 центнер юқори бўлади.

"Пенг Шенг" — Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси қосидаги "Сирдарё котен кластер" корхонасида ўтган йили 50 гектар майдондаги пахтанинг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил териб олинган. Медиа-тур катнашчилари сув ва меҳнат сарфини камайтирадиган, оз маблаб сарфлаб, юқори ҳосил етиштирадиган ушбу усулнинг ҳар жиҳатдан афзаллигига ишонч ҳосил қилдилар. Бундан замонавий технологияларни кенг ёйиш, улардан аҳолини хабардор этиш, томоҳқа ва деҳқон ҳўжаликларида ҳам фаол қўллашда журналистнинг ўрни, янгиликларни тез илғай олиш масъулияти янада юқори бўлиши лозимлигини ҳис этдилар.

ХАВАС ҚИЛСА АРЗИЙДИ

Президентимиз жорий йилнинг 19 февралда вилоятга ташрифи чоғида бешта йўналишдаги "Сирдарё тажрибаси" ташаббусини олға сурган эдилар. Ана шу ташаббус доирасида ёшларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказиш, уларнинг ҳар томонлама соғлом ва комил инсонлар бўлиб етишларига қўлай шарт-шароитлар яратиш вилоятда маънавий-маърифий соҳаларда олиб бориладиган ишларнинг бош мезони этиб белгиланди. Шу маънода ёшларни мусиқа ва санъат мактаблари, маданият муассасаларига жалб этиш, уларнинг маънавий дунёқарабини ривожлантириш "Сирдарё тажрибаси"нинг энг асосий йўналишларидан саналади. Айни вақтда маданият муассасаларидаги турли тўғаракларга 7333 нафардан зиёд ёшларнинг катнашаётгани, ёшларнинг спорт билан шўғулланишлари учун шу йил охиригача 18 та суний қопламали майдон, 7 та энгил конструкцияли спорт залининг тадбиркорлар томонидан барпо этилаётгани соғломлаштириш тўғараклари аъзолари сонини янада оширади.

Авваллари аҳоли бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, дам олиш учун Сайхунбод туманида

қўлай шарт-шароит яратилмаган эди. Шу йил янги йил арафасида "Сайхун планет" замонавий савдо мажмуаси ва Сайхун истироҳат боғи шаҳарча аҳолиси ихтиёрига топширилди. Хизмат кўрсатиш марказий шаҳарлардагидек йўлга қўйилган "Сайхун планет" савдо мажмуасида ёшлар бўш вақтларида ҳар хил ўйинлар, компьютер машғулоти билан шўғулланишлари учун ҳамма шароитлар бисёр. Энг камёб маҳсулотларни сотиб олиш учун энди Тошкентга ўхшаган катта шаҳарларга бориш, овора бўлишга ҳожат йўқ. Истироҳат боғидаги турли кўнгилочар ўйинлар болажонлар дам олиш



вақтлари ҳар томонлама мазмунли ўтишига хизмат қилаяпти.

Мирзабод туманидаги "Рақамли технология ўқув маркази" вилоятдаги ёш, қалдирғоч марказлардан. 20 та компьютер жамланмаси қўйилган марказда 9 ёшдан 25 ёшгача бўлганлар компьютер саводхонлигини ўрганиш билан бирга интернет тармоқлари орқали дунё воқеаларидан хабардор бўладилар, фойдали ахборотлардан самарали фойдаланадилар. Компьютер дастурларини тузиш малакасини ҳам пухта эгаллаб оладилар.

Бу қўлайликлар ёшларнинг бўш вақтлари марокли ўтишини таъминлаш билан бирга, уларнинг интеллектуал салоҳияти юксалиши, маънан баркамол бўлиб вояга етишида ҳам муҳим роль ўйнайди, — дейди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг раиси Саъдулла Ҳаким. — Ўртбошимиз белгилаб берган бешта йўналишнинг Сирдарёда ҳар жиҳатдан мукамал ижобатга айланётгани менда катта таассурот уйғотди.

Вилоятдаги кенг қўламда давом эттириладиган бунёдкорлик ишлари, янги саноат корхоналарининг барпо этилиши, "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла", "Обод марказ" дастури доирасида кейинги икки йилда бажарилган ишлар ҳар қандай кишининг ҳайратини оширади. Вилоятнинг қисқа даврда улкан индустриялашган вилоятлардан бирига айланаётгани Президентимиз томонидан белгилаб берилган лойиҳаларнинг вилоят ҳокими Ғофуржон Мирзаев раҳбарлигида катта меҳнат, ижодий ташаббускорлик аъзагига рўйбега чиқариладиганини англатади. Биргина ўтган йили вилоятда 111,4 миллион долларлик маҳсулот хорижий давлатларга экспорт қилинди. Жорий йилнинг олти ойида маҳсулотлар экспорти 23,4 миллион долларни ташкил этди. 2019 йилда 66 та саноат корхоналарида

маҳсулот ишлаб чиқариш суръатларини ошириш ҳисобига 77,6 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Қабуллар уйи вилоят ҳокимлиги худудида қад ростлаган эътиборга молик бинолардан бири. Вилоят ҳокими Ғофуржон Мирзаев медиа-тур иштирокчилари билан ушбу манзилда учрашди. Юқори дид билан безатилган муҳташам иншоот диққатимизни тортди. Қизғин, медиа-тур иштирокчилари — журналистлар бу ернинг илк меҳмонлари бўлишди.

Вилоят ҳокими саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, янги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда катта марралар белгиланганини эътироф этар экан, яқин йилларда Сирдарё таниб бўлмас даражада ўзгариб кетишига ишонч билдирди.

ХОВОС ИБРАТЛИ ҒЎШАГА АЙЛАНМОҚДА

Яқин эллик йил ичида бирорта ҳам кўп вақатли уй қурилмаган, одамларнинг маълум қисми эски уй (барак)ларда яшаётган Ховос шаҳарчаси, умуман, Ховос туманига Президентимизнинг шу йил февраль ва июль ойларидаги ташрифидан кейин бунёдкорлик, яратувчанлик ишларининг катта бир тўлкини кириб келди. Янги шаҳарча туман марказида улкан қурилиш, аввалдан мавжуд бўлган уйларнинг архитектуравий қиёфасини ўзгартириш ишлари жадал олиб борилаётган. М-39 автомобиль йўли

катта қурилишлар, яратувчанлик ишлари, одамларнинг фидойилиги уларни янги мавзудаги, қишлоқ кишилари қаҳрамонликлари эътироф этилган очерклар, асарлар ёзишга илҳомлантирди.

Журналистлар Ховосбод қишлоғида бўлиб, Ховоснинг қарийб 2,5 минг йиллик тарихи, ушбу кентда яшаган қадимги аждодларимизнинг ўтмиши, у ерда сақланиб қолган тарихий обидалар билан ҳам танишдилар. Қадимги Ховос Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашгани боис, кўпалаб Осиё мамлакатлари халқларининг маданияти ва маърифий алоқаларида муҳим стратегик роль ўйнагани эътироф этилди.

ГУЛИСТОН — ҲАҚИҚИЙ БЎСТОН

Ўтган қисқа даврда Гулистон шаҳрида катта ободонлаштириш, қурилиш ишлари амалга оширилди. Бугун ҳам шаҳарда бунёдкорлик ишлари давом эттириляпти. Кечагина "Буюк келажак" массиви одамлар мол боқадиган, қаровсиз бир ҳудуд эди. Ўтган икки ярим йил ичида бу ерда 32 та беш қаватли замонавий турар-жойлар қурилиб, кичик шаҳарчага айлантирилди. Айни вақтда бу ерда илк бор 7 қаватли уйларни қуриш ишлари бошлаб юборилди. Массивда 420 та хонадон истиқомат қилаётди. Уларга барча шарт-шароитлар яратилган, болалар ўйин майдончалари қурилган. Журналистлар бу ерда яратилган қўлайликлар билан қизикдилар. Урбанизациялаш ишларининг давом эттирилиб, янги меъморий ечимдаги турар-жойлар қад ростлаётганининг шохиди бўлдилар.

Лойиҳа қиймати 33 миллиард сўм қилиб белгиланган, Президентимиз ташаббуслари билан қуриладиган 150 ўринли Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима Худойбердиева номли она тили ва адабиёти ижод мактаб-интернати меъморий жиҳатдан мамлакатимиздаги энг замонавий муассасалардан бирига айланиши кўтилмоқда. Жорий йилнинг ўзидаёқ энг иқтидорли, тест синовларидан муваффақиятли ўтган ўғил-қизлар шу мактабда ўқий бошлайдилар. Вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи Абдушодиқ Абдурахмонов ижод мактабининг истиқбол ҳақида гапирар экан, бу ерга Тошкент, Самарқанд, Жиззах вилоятларидан ҳам иқтидорли ўқувчилар танлаб олинишини алоҳида қайд этди. Шаҳарда шундай илм масканининг барпо этилиши бу ёшларга, келажакимиз эгаларига кўрсатиладиган ғамхўрлик, эътиборнинг ёрқин бир нишонасидир.

"Ўқитувчи" бренди остида ишга туширилган Гулистон шаҳридаги марказий китоб дўкони ҳам беш ташаббус ижроси доирасида ёшлар китобхонлигини ошириш, китобга ёшлиқдан меҳр-муҳаббат уйғотиш вилоятда давлат сиёсати даражасига қўтарилишини асослайди. Дид билан териб қўйилган, янги чоп этилган китоблар ҳеч бир ўқувчини бефарқ қолдирмайдди. Яна марказий дўкон "BOOK кафе"га ҳам эга.

— Бу ерга келганлар кафеда ўтириб бир пиёла чой ёки қавва ичиши бораберида китоб дўконидан сотиб олган китоблари ҳақида суҳбатлашади, бахслашади, — дейди "Xabar.uz" мухбири Гулноза Турғунбоева. — Ушбу масканни ёшлар учун чинакам маърифат ва маънавият маркази деса бўлади.

Дарҳақиқат, инсон онгу тафаккурда китобнинг роли бекиёс. Зеро, маънавият юксалса, мамлакат ҳам юксалади. Илм янгиликларга, янги ғояларга, фаолликка йўл очади.

Сирдарё республикамиздаги кенжа вилоятлардан бири. Янгиладанаётган, эзгу мақсадлар сари одимлаётган Сирдарёни қўриб, амин бўлдикки, бу вилоят ҳам эндиликда катта йўлда.

**Машхура СУЛТОНОВА,
Бозорбўй БЕКМУРДОВ.**




ган жамиятида ўтган йили 50,1 миллион АҚШ долларилик лойиҳа амалга оширилиб, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Марказий Осиёда ягона бўлган ушбу корхонада айни вақтда 100 турдаги шиша идишлар тайёрланмоқда. Корхонага Европанинг Германия, Туркия давлатларидан келтирилган замонавий технологиялар ўрнатилиб, маҳсулот тайёрлашда тўлиқ маҳаллий хомашёдан фойдаланиладиган идишларнинг арзон ва харидорлигини таъмин этаётди. Жорий йилда тўла қувват билан ишга туширилиши режалаштириладиган корхонада йилга 102 миллион дона шиша идишлар ишлаб чиқарилиб, 2 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинади. Бу эса келгусида мамлакатимиз фармацевтика саноатида четдан келтириладиган шиша флаконлар миқдорини кескин камайтириш имконини беради.

Ушбу корхона ёнида "Сирдарё глас" МЧЖ томонидан фармацевтика ва озиқ-овқат саноати учун уч хил рангли шиша идишлар тайёрлаш лойиҳаси амалга оширилмоқда. 2020 йилда ишга тушириладиган корхонада йилга 3,7 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиниши кўзда тутилган. "Сирдарё шиша" корхонасида эса шиша идишлар учун кварц кумини қайта ишлаш лойиҳаси ўзлаштирилмоқда. Яхлит олганда бу уч корхонанинг бир-бирига узвийлиги "Сирдарё универсал ойна" негизда саноатлашган кластер таш-

йўлга қўйилгани журналистларда катта қизиқиш уйғотди. Делегация аъзолари корхона кўрғазма савдо залида бу ерда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар кўрғазмаси билан ҳам танишдилар.

— Чека туманда қисқа даврда ўттиздан ортқ йирик саноат ишлаб чиқариш корхонасининг барпо этилгани катта воқеалик, — дейди "Правда Востока" газетасининг



мухбири Темура Ниязов. — Минглаб одамлар доимий янги иш ўринлари билан таъминланган. "Дўстлик" боғида яратилган қўлай шарт-шароит инсон омилли, унинг яхши яшаш, турмуш фаровонлиги биринчи даражали вазифага айланишини англатади.

"Пенг Шенг" — Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасида барпо этилган замонавий иссиқхоналар кишини-ёзини дастурхонларимизда сабзавот маҳсулотлари сероблигини таъмин этади. Хар квадрат метр иссиқхонадан 60 килограмм гача помидор ва бодринг ҳосили олинаётгани, кам меҳнат сарфлаб, юқори даромад олинаётгани катта манфаат келтирадиган иссиқхоналарни янада кўпайтиришни тақо-

Дил сўзи

Ўзимга айтадиганларим кўп...

Бугун Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлдим. Аниқроғи, аъзо бўлганим тўғрисидаги ҳужжатимни қўлимга олдим. Аслида гувоҳномамда: "Аъзо бўлган вақти: 27.06.2019 й." деб кўрсатилган. Қаранг, Матбуот ва оммавий ахборот воситалари кунини — қасб байрамимизга тўғри келибди. Демак, ёзувчиликдан кўра, ўзимни Уюшманинг мухбир аъзосиман десам ҳам бўлади.



Тўғриси айтсам, ҳужжатимни қўлимга олгунча: "қачон аъзо эти-

шар экан?", деб тинчим кетганди. Бугун гувоҳномам қўлимда-ю, аммо бирдан ўйлаб қолдим: "Энди нима бўлади? Нима ёзаман?" Гувоҳномани топшириш маросимида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Нодир Жонузод: "Бу ҳужжат келгусида ёзадиганларингиз учун!" деган мазмунда гапирди. Чиндан, жигаранг муқовали 0710 рақамли бу ҳужжат шунчаки қоғоз эмас, сенинг қаламинг, истеъдодинг борлигига, ёзувчи экан-

нингга шаҳодатнома, халқ, давлат олдида яхши асар ёзиш масъулияти эмасми? Матбуотда кўпалаб мақолаларим, хикояларим чиққан. Телевидениеда бир қанча материалларим эфирга узатилган. 2015 йили Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг "Биринчи китобим" лойиҳасида "Матбуот" номли хикоялар тўпламим чоп этилди. 2016 йили тенгқурларимнинг публицистик мақолаларидан иборат: "Сени яхши кўра-миз, Ўзбекистон!" дея

номланувчи тўпламни нашрга тайёрладим. "Кўклам куйи" деган иккинчи китобим Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида нашрга тайёрланмоқда. Шулар ва устозларнинг таъсияси билан Уюшма аъзолигига қабул қилиндим. Бу воқеа гўё мудраб қолган ёзувчилик иштиёқиمنى уйқудан уйғотди, ичимдаги "Мен ёзувчиман!" деган гурурни жонланттирди. Ўзимга ўзимнинг: "Яхши асарлар ёзиш учун сенда ҳали эур

имконият бор, дўстим!" деган ундовни пайдо қилди. Йўқотган нарсамни топангадй бўлдим! Ўзига шукр! Ҳа, ўзимга ўзимнинг айтадиганларим кўп. Булар — сизларга берадиган сўзим ҳам: Сўзга, қаламга хиёнат қилма! Уй-жой ё муқофот учун ёзма! Халқ дардини ўз дардинг, деб бил ва уни бугун қалб шуурингдан ўтказиб қорозга тўк! Сени халқ ёзувчи этсин!

**Фозил ФАРХОД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**

► Бунёдкорлик

Бугун юртимиз гўшалари бунёдкорликлар майдонига айланган. Улкан sanoat ва ишлаб чиқариш корхоналари, уй-жойлар, тиббиёт масканлари, мактаблар, жамоат бинолари, маданият ўчоқлари, спорт комплекслари, истироҳат боғларини барпо этиш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ишлари қизғин кечмоқда.

Юртни обод айлаш саодати

Жумладан, Самарқанд вилоят ҳокимлиги қурилиш Инжиниринг компанияси буюртмаси асосида жорий йилда 49 та умумтаълим мактаби битказилиши керак. Битта умумтаълим мактабида янги қурилиш, 34 тасида реконструкция, 14 та умумтаълим мактабида эса мукаммал таъмирлаш юмушлари бажарилмоқда. Бундай ҳаждаги қурилиш-монтаж ишларининг тендер баҳоси 95 миллиард 571 миллион 200 минг сўмни ташкил этади. Вилоят Инжиниринг компанияси буюртмаси асосида иккита болалар мусика ва санъат мактаби, иккита олий ўқув юртини реконструкция қилиш, битта олий таълим муассасасини мукаммал таъмирлаш, 17 та соғлиқни сақлаш объектида реконструкция ва мукаммал таъмирлаш, Ургут туманидаги ноғоронлар учун "Муруват" уйи бино ва иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш, ёнғин хавфсизлиги депоси биноси ва бошқа қурилиш ишлари адоғига етказилмоқда. Бу каби ишлар учун жами 257 миллиард 508 миллион 400 минг сўмлик маблағ ажратилган. Сўнгги йилларда соғлиқни сақлаш масканларини тубдан таъмирлаш, жиҳозлаш ишлари ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Самарқанд шаҳридаги вилоят юқумли касалликлар шифохонасининг 350 ўринга мўлжалланган бино ва иншоотларини реконструкция қилиш учун "Маъруф қурилиш сервис" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари жонбозлик кўрсатишди. Пастдарғом туманидаги "Фаровон" қишлоқ врачлик пунктининг реконструкция қилиниши эса шу ерлик аҳоли учун катта қулайлик бўлди. Тендер қиймати 1 миллиард 163 миллион сўм бўлган иншоотни тумандаги "Зиё нур" масъулияти чекланган жамиятининг қўли гул қурувчилари муддатидан олдин фойдаланишга топширдилар.

Бунёдкорлик ишлари авж олаётган бундай манзиллар анчагина. Самарқанд шаҳрининг Даҳбед

кўчасида Республика шошилинч тиббий ёрдам марказини реконструкция қилиш вазифаси ҳам жадвал олиб борилмоқда. Тендер баҳоси 87 миллиард сўм бўлган ўшбу объектни "Шохрухжон сервис" хусусий корхонасининг моҳир қурувчилари бунёд этишляпти. Шаҳардаги "Мотрид" маҳалласида барпо этилган 540 ўринли янги мактаб биноси "Амон бобо люкс" масъулияти чекланган жамиятининг қурувчилари томонидан ўз вақтида ва сифатли ўраланди. Юрт жамолидан қувончи, унинг ободлигидан севиниши яхши. Бироқ оддий қурилиш материалларидан мўъжизалар яратилган, санъат асари даражасидаги қосоналар бунёд этаётган иккитидорли уста-дуррадгорлар, ганчкорлар, ёғоч ўймакорлари меҳнатларинида эътироф этиш ҳам керак.

Бу йил вилоятнинг Пайариқ туманидаги қатор мактабларда реконструкция ишлари бажарилиб, янги бинолар қурилмоқда. 83-сон умумтаълим мактабининг реконструкция ишларини "Уралов Равшан қурувчи" масъулияти чекланган жамияти ўз зиммасига олганди. 300 нафар ўқувчи ўринга мўлжалланган ўшбу мактабда таҳсил олувчилар эндиликда янги ўқув йилини замонавий ва кўркам бинода бошлаш имконига эга бўлишди. Қурилиш раҳбари Равшан Уралов, уста Улғумурод Умурзоқов, гишт терувчилар Илхом Бердибеков, Абдурауф Холматов, дуррадгор Жамшид Қобиловлар билан суҳбатлашиб, кайфиятимиз кўтарилди. Улар юрт ободлиги, ёшлар келажаги учун меҳнат қилишга тайёрганди мамнун. Шу боис ҳам ҳар бир юмушни сидқидилдан бажаришмоқда. Мактаб қишлоқ хуснига қўйилган ҳолдек ярашиб турибди. Нуриддин Жуманов раҳбарликда "Дилнавоз Гавҳар" МЧЖ бунёдкорлари тортитидан эса ўшбу тумандаги Хоса қишлоғи аҳли бағоят миннатдор. Бу ерда фойдаланишга топширилган мактаб биноси лойиҳаси бўйича ҳам, пишиқлиги жиҳатидан ҳам замонавий та-

лабларга мослиги билан ҳам ота-оналар ва болаларни ниятда хурсанд қилади.

— Қурувчиларга минг тасанно, барча юмушларни кўнгилдагидек бажаришди. Хом-хатала, сифатсиз ишларга асло йўл қўйилмади. Насиб этса, илмгоҳ фарзандларимизга кўп вақтлар хизмат қилади, — дейди 26-умумтаълим мактаби директори Валижон Эралиев.

— Бунёдкор усталар учун барча шароитларни яратиб бердик. Махсус коржомалар, иссиқ овқат, маданий ҳордиқ дейсизми, барчаси муҳайё этилди. Шу боис улар қурилишда тезкорлик ва сифат учун курашди, — дейди замонамизнинг моҳир қурувчиси Нуриддин Жуманов.

Пастдарғом туманининг Ошиқ ота қишлоғида жойлашган 109-умумтаълим мактабининг замонавий биноси қурилишини "Жума қурувчи" масъулияти чекланган жамиятининг пешқадам қурувчилари амалга оширишди. — Қурилиш материалларини асосан тумандаги гишт заводи, "Самарқанд темир-бетон" комбинати, Бекобод металлургия заводидан олдик, — дейди корхона раҳбари, жонқуяр инсон Акмал Очилов. — Ўшбу корхоналарнинг махсулотлари сифатлиги билан ажралиб туради. Шу сабабли биз қураётган иморатлар чидамли ва кўркам. Яхши материал яхши устанинг қўлига тушса, нур устига нур. Бунёдкорлик ишларида катта ҳиссаси қўшилган жамоамиз аъзолари — гишт терувчи Зариф Умаров, Фирдавс Раҳимов, ёғоч устаси Маъмуржон Аҳмедов, механизатор Тонгатор Бобоёровларнинг номиларини фахр билан тилга оламиз.

Ургут туманидаги 97-умумтаълим мактабининг 320 ўринли янги биноси қисқа муддатларда сифатли қилиб ўраланди. Мазкур қурилиш ишларини моҳир қурувчи Эркин Шодиев раҳбарлигидаги "Тош ариқ қурилиш сервис" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари адо этишди.

Самарқанд шаҳридаги Самарқанд давлат университети ядро физикаси лабораториясининг реконструкция қилиниши илму-фан ривожини, мамлакатимиз илмий таъриқига хизмат қилиши билан аҳамиятли бўлди. Мазкур қурилиш ишларини шаҳардаги Эркин Толибов раҳбарлик қилаётган "Толиб бобо" хусусий корхонаси жамоаси бунёд этишмоқда. Бу корхона қурувчилари вилоятда қатор ишларни амалга ошириб, тилга тушган.

Қисқаси, юртимиз жамолига янада чирой қўшиб келаётган бундай қурилиш ташкилотлари ва уларнинг фаолиятини яна кўплаб мисоллар билан кўрсатишимиз мумкин. Улар ана шу бунёдкорлик ишларида ўз иларини қолдиришмоқда.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
"Hurriyat" мухбири.

Реклама ҳуқуқи асосида

АЗИЗ ҚУРУВЧИЛАР, ҚАДРЛИ ҲАМКАСБЛАР!

Сизларни яқинлашиб келаётган август ойининг иккинчи якшанбаси —

ҚУРИЛИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИ

кўни билан чин қалбдан муборакбод этамиз.

Ўзининг тарихий меъморий обидалари билан дунёга машҳур жаннатмонанд юртимизда бугунги кунда ҳам улкан қурилиш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Хусусан, қадим ва ҳамиша навқирон Самарқандда ҳам кенг қўламдаги яратувчанлик юмушлари олиб борилмоқда, бир-бирдан гўзал, мустаҳкам, замонавий иморатлар қад кўтармоқда.

Она Ватанимизнинг янада чирой очилиши муносиб ҳисса қўшаётган Сиз моҳир қурувчиларни, архитектор ва лойиҳачиларни, барча соҳа вакилларини касб байраминингиз билан табриклаймиз! Ҳамиша соғ-омон бўлинг, қўлингиз ҳеч қачон дард кўрмасин.

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТ
ҲОКИМЛИГИ
ҚУРИЛИШ
ИНЖИНИРИНГ
КОМПАНИЯСИ
ЖАМОАСИ**



ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ ТАРКИБИДА ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН ЎЗБЕК — БЕЛАРУСЬ ҚЎШМА ФАКУЛЬТЕТИГА АБИТУРИЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Факультет Тошкент ахборот технологиялари университети (ТАТУ) ва Белоруссия давлат информатика ва радиоэлектроника университети (БДИРУ) томонидан ҳамкорликда ташкил қилинган.

Қўшма факультетда таълим олиш икки босқичда олиб борилади.

Яъни талаба 1-2-курсларда ТАТУ Урганч филиалида таҳсил олса, 3-4-курсларни БДИРУда давом эттиради.

Тошкент ахборот технологиялари университети — Белоруссия давлат информатика ва радиоэлектроника университети ахборот технологиялари қўшма факультети (ТАТУ-БДИРУ) бакалавриятнинг "АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТИ" таълим йўналиши бўйича ўқишга ҳужжатларни қабул қилади.

- Қўшма факультет битирувчилари икки дипломга эга бўлишади: Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва Белоруссия давлат информатика ва радиоэлектроника университети;
- Талабалар Белоруссияда ўқиш даврида ётохона билан таъминланади.
- Талабаларга стипендия берилмайди.
- Ўқиш учун контракт тўловлари қуйидагича:
- Биринчи босқичда (ТАТУ Урганч филиалида 1-2 курслар) — йилига 1 500 АҚШ долл.
- Иккинчи босқичда (БДИРУ да 3-4 курслар) — йилига 2 000 АҚШ долл.

Танловда қатнашиш учун қабул комиссиясига 2019 йил 10 августгача ариза ва қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши керак:

- ариза (рус тилида);
- 3,5 x 4,5 см. ўлчамдаги 6 дона рангли фотосурат;
- паспорт нусхаси;
- умумий ўрта таълимни (11-синф негизига) тугатганлиги ҳақидаги ҳужжат ёки ўрта махсус касб-хунар таълими муассасасини тугатганлиги ҳақидаги ҳужжат ва унинг иловасининг асл нусхалари.

Абитуриентларни танлашда уларнинг рус тилини билиш даражаси асосий шарт ҳисобланади. Танлов кириш имтиҳонлари (рус тилини билиш бўйича суҳбат) натижалари асосида амалга оширилади. 2019-2020 ўқув йилида қўшма факультетга Ахборот технологияларининг дастурий таъминоти бакалаврияти таълим йўналишига 25 нафар талаба қабул қилинади. Республика ва халқаро олимпиадалар ва мусобақалар қўлиблар тўлов контракт асосида танловдан ташқари ўқишга қабул қилинади.

Қабул комиссияси Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиалида жойлашган. Қабул ҳар кўни соат 9:00 дан 18:00 гача (якшанба кунидан ташқари) амалга оширилади.

Манзил: Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 110-уй.
Электрон почта манзили: info@ubtuil.uz
Телефон: +998 62 224 61 37.

► Дунёда нима гап?

Сурияга навбатдаги юриш

Туркиядаги янги автомагистралнинг очилиш маросимида президент Ражаб Тоййиб Эрдоғон Сурияда янги ҳарбий операцияларни ўтказишга тайёр эканини маълум қилди.



— Биз Афринга, Жараблус ва Ал-Бабга кирдик. Энди Фиротдан шарққа қараб юрамиз. Юртимизга нисбатан амалга оширилаётган ҳужум олдида тинчгина ўтиролмаймиз, — деди Эрдоғон. Туркия президенти қарши томон ўз режаси ҳақида Россия ва АҚШни бохабар этганини ҳам қайд қилган.

Фиръавннинг саркофаги таъмирланмоқда



"Korrespondent.net"нинг хабарига қараганда, Мисрда бундан 3,3 минг йил аввал яшаган Тутанхамоннинг олтин суви қоритилган саркофаги реставрация қилинмоқда. Гиза пирамидасидаги янги Миср музейи уста-

хонасида бўлаётган реставрация жараёнларини ёритиш учун журналистлар ҳам таклиф этилган.

Саркофаг ёш ҳукмдорнинг Луксордаги хилхонасидан олиб кетилганига бир ой бўлди. Говард Картер томонидан топилган мазкур қабр салкам юз йилдан буён биринчи мартаба Қохирага олиб келинган.

Миср қадимий обидалар ишлари бўйича вазири Халид ал-Аннанининг айтишича, реставрация ишлари қарийб саккиз ой давом этади.

Исённинг олди олинди

Маҳаллий "NAN" агентлиги маълумотига кўра, Нигерия ҳукумати президентликка собиқ номзод ва мухолифатчи Омоеле Соворенини "жамоат хавфсизлигига" таҳдид бўйича қўзғолонга даъват қилгани учун ҳибсга олган.

Омоеле Соворе — жамоат арбоби ва фаоли бўлиб, "Sahara Reporters" янгиликлар сайти асосчиси ҳам ҳисобланади. 5 августда исёнга раҳбарлик қилиши қутилган Соворени унганча етиб бормаёқ ҳукумат томонидан ҳибсга олинган.



Интернет материаллари асосида
Х. АХМАДЖОНОВА тайёрлади.

» Учрашув

Юртимизда "Мафтунингман" фильмини кўрмаган, "Дүппи тикдим" қўшиғини эшитмаган санъат ихлосманди бўлмас керак. Суҳбатдошимиз Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Клара Жалилова билан суҳбатлашимиз мароқли. Негаки, сўзларини ортикча бўёқлар билан бойитмайди, кўнглида борини тилига чиқаради. Кўлаб кино ва театрдаги роллари орқали томошабинлар эътиборини қозонган, эл суйган бу аёл билан "Hurriyat" газетаси учун дийдорлашдик.

Клара ЖАЛИЛОВА:

Тақдиримдан миннатдорман...

БОЛАЛИГИМ — ПОШШОЛИГИМ БЎЛМАГАН...

Болалигимни эсласам, кўз олдимга кийинчилик билан оиласини боқайтган оила бошлиқлари келади. Ўша вақтларда иккинчи жаҳон уруши эндигина тугаган, ҳамма учун бирдек оғир бўлган замонлар эди. Яшаш кийин эди-ку-я, лекин бизнинг оила учун ҳаммасидан кийин бўлган. Сабаби, оилада беш фарзанд эдик. Тўнғич фарзанд бўлганлигим учун ҳам оиланинг барча оғирлигини ҳис қилардим ва ота-онамга оз бўлса-да, кўмак беришга ошиқардим. Уйимиз шундоқки-на "Чорсу" бозори олдида, ҳозирги китоб дўконлари ўрнида эди. Кичкинагина ҳовлимиз бўларди, ҳатто жой торлигидан онам бизга томга жой солиб берадилар. Томда ухлашнинг завқи бошқача. Қойил қолганим барчаннинг тоmidан тортиб, таомлари-ю, кийинишида катта фарқ йўқ эди. Қўшиқларнинг бири-бирига ахиллигини айтмайсизми? Йўқчилик замони бўлишига қарамастан, дўппидеккина ош қилса-да, қўни-қўшинга ҳам илинарди. Томдан-томга сакраб хансираганча келардим. Қаранг, шу даражада шўх бўлган эканман. У замонлар бутун бошли "Чорсу" маҳалласидаги хонадонларда иккитагина телевизор бор эди. Жамми маҳалламиз аҳли билан уларнинг уйига чиқиб, концерт кўрардик. Бағрикенг оилалар эди, дарҳол телевизорни ҳовлига олиб чиқарди, кўлашиб кўрардик. Оиламга моддий ёрдам бўлсин дея, сув сотардим. Ёзги кинотеатрда ўша пайтнинг энг машҳур хинд фильми "Дайди" қўйиларди. Сувнинг пули эса рўзғордан ортай демасди. Чиптага пулим етмаган учун ёзги кинотеатрга кирилмасдим. Кино кўришга бўлган қизиқимнинг юқорилигидан дарак устига чиқиб, томоша қилардим. Унинг завқини сизга тушунтириб беролмайман. Йўл-йўлакай фильмдаги қўшиқларни қўлаб келардим.

Онам фаррош, дадам оддий хизматчи эди. Биринчи ёки иккинчи синфда бўлсам керак, ўша пайтдаёқ жимитдекина жуссам билан онамга мактаб полини ювишда ёрдамлашардим. Хўллас, кўлимдан қандай иш келса, баҳарардим. Мусика, адабиёт ва биология фанларидангина яхши ўқирдим. Қолган фанлардан олган баҳоим эса "3" бўлган. Хиргойилларини эшитган қўшувчиларим, "Сен барибир артист бўласан", деб баҳоларимни қўйишарди.

"СЕН АРТИСТ БЎЛАСАН"

7-синфини эндигина тугатган вақтда, меҳнаткашлар ва пахтакорлар учун концерт бўлаётган залга бориб қолганман. Улар орасида ўтирган Халима опа Носирова қўшиғимни тасодифан эшитиб қолди: "Сен албатта қўшиқчи бўлишинг керак, ўзим сенга қўшиқлар ўргатаман" деб, бир манзил ёзилган қороз бердилар. Шу-шу Халима опа билан ҳамкорлигимиз мени катта санъатга бошлаб келди. Тез-тез Мухтор Ашрафий, Тамарахонимлар билан учрашардим. Халима опа чиндан ҳам менга кўлаб қўшиқлар ўргатди. Бир куни Тамарахоним бирорта қўшиқ қўлаб бер-чи, деб қолдилар. Халима опанинг кўидаги қўшиғини айтдим:

Кошинг билан кўзингга, кўзингга Ошно бўлдим ўзингга, ўзингга Айтолмайман юзингга, юзингга Инсоф берсин ўзингга, ўзингга... қўшиқни рақсга тушиб айтиб берганман. Ўтирганлар кулгудан ўзларини тия олмаган, чунки эндигина ўн бешга чиққан, унинг устига жуссаси кичикина қиз бўлганим, камига севги-муҳаббат ҳақида айтган қўшиғим уларнинг кулгусига сабаб бўлган. Овозим ва ўзимни тўтишим уларга манзур келганидан сўнг ўн олти ёшга етмасидан ҳам катта ансамблга яксахон хонанда сифатида тайинлашган. Ансамблда



ўрганган илк ашулам "Дийримсан" бўлган. Фароғат опа Раҳматова кўлаб қўшиқлар ўргатганлар, ўзим ҳам у кишининг ижодларидан қўлаб юрардим. 1957 йилда олтинчи жаҳон ёшлари фестивалига қатнашмиш учун Москвага бориб, икки марта олтин медаль олиб келганман.

МАШҲУРЛИККА ИНТИЛМАЙ ТУРИБ ТАНИЛГАНМАН

Ҳа, рост, машҳур бўлишга ҳаракат қилмаганман. Санъатга юрагим таскин бериш мақсадида кирганман. Қолаверса, ансамблда ишлаб оиламга ёрдам бера бошлаганимдан ичимда йўқ қувониб юрганман. Қўтилмаганда, юлдузлик онлари жуда эрта келди. Бугун қўшиқ айтиб чиқсам, икки кундан сўнг бутун Ўзбекистон ёшлари қўлаб юрарди. Репертуаримда озарбойжон, туркман, киргиз, татар, тожик хўллас, тилимизга яқин бўлган кўлаб тилларда қўшиқ бўларди. Кўчага ёлғиз чиқишга кўрардим. Ким кўрса келиб севги изор қиларди. Уйимизга совчи жўнатганларнинг охири узилмасди. Ҳаттоки Афғонистон қўшиқчиси Хибл ҳам ота-онамнинг олдида келиб, "Кларани менга узатинг" деб айтган.

Элимизнинг энг суякли санъаткорларининг шоғирди бўлганман. Мукаррама опа Турғунбоева, Юнус Ражабий, Дони Зокиров, Коммуна опа Исмоиловлар кўлдан келганча менга ёрдам беришган.

БАХТИМИ ТОПИШИМ...

Актёр Ёқуб Аҳмедов билан ўртада меҳр-муҳаббат ила турмуш курганмиз. Тўнғич ўғлим туғилганидан сўнг, ўз ихтиёримиз билан ажрашганмиз. "Баҳор" ансамблига ишга кирган вақтимда турмушимдан айрилган эдим. Ансамблда Рустам Негматов деган иктидорли чангчи ишларди. Гарчи турмушдан ажрашган, қолаверса, ўғлим бўлишига қарамастан бўйдоқ Рустам аканинг муҳаббатига сазовор бўлганман. Беш йил давомида муҳаббатимизни синаганмиз. Сўнгра Рустам ака билан турмуш қуриб, ҳақиқий аёллик бахтини ҳис қилганман. Ҳаётимнинг энг бахтли давлари Рустам ака билан ўтган, десам янглишмайман.

ДАДАМ ОЛТИ ОЙ ГАПЛАШМАГАН...

Ҳозирги кунда санъаткор бўламан деганга қаршилиқлар йўқ, назаримда. Аммо бизнинг ёшлигимизда санъаткор бўламан дейишнинг ўзи катта жасорат эди. Менинг ота-онам ҳам санъаткор бўлишмини хохламаган. Энди-энди қўшиқлар ўрганиб, сахнага чиқаётган палларимдан дадам мендан хафа бўлган ва умуман гаплашмай қўйган. Бу низоюда таъсирчан мендек қизга оғир ботган. Ансамблизмиз билан катта концерт қўядиган бўлдик. Тайёргарликлар авжида. Эрталаб уйдан чиқиб кетаётганимда, дадамнинг қўлабига чипта тутқазиб, концертга таклиф қилиб, ўртоқларингиз билан ўтинг деганман. Концерт бошланай даяпти-ю икки кўзим томошабинлар

каторида. Дадамни интиқ қутяпман, кўларим тўрт бўлиб қутяпман. Бир вақт дадам маҳалламиздаги ўртоқлари билан кириб келдилар! Танамга қаердандир куч ёғилиб киргандек бўлди. Уларни ташкилотчилар биринчи каторга жойлаштиришди. Кўнглим ёришди.

Сахнага чиқишим билан халқ олқишлар билан қаршилади. Дастур тугагунча гулларга кўмилиб кетдим. Йигилган гуллардан олиб, дадамнинг пойига ташладим. Мана шу кунда санъатимни давом эттиришим учун дадам оқ фотиха бердилар...

САХНАГА МЕНДАН КЕЙИН ҲЕЧ КИМ ЧИҚА ОЛМАСДИ...

Халқнинг меҳри менга тушганидан миннатдор юрардим. Сахнада қўлаб бўлганимдан кейин қарсақларнинг овози анча пайтгача тинмасди.

Бир куни мендан кейин сахнага чиққан бир санъаткорни зал қабул қилмай чиқариб юборган. Эндигина кийимларимни алмаштириб турган жойимга келиб, ўша санъаткор мени дўппослаб, тарс-турс уриб кетган. Бизни зўрга ажратишган. Очиги, кучим етмаган, кичкина жуссали қизча эдим, у эса менинг ҳозирги ҳолатимдагидек. Бу кўнглисиз вазият концерт ташкилотчиларига етиб бориб, мени дастур охирига қўядиган бўлишган.

"МАФТУНИНГМАН"

Фильмнинг миннатдорман! Аслида "Мафтунингман" фильми-гача одамларни ўзимга мафту қилиб бўлгандим (кулади). Раҳматли шоир Туроб Тула сценарийсини менга атаб ёзган. Аммо суратга олиш ишлари бошланай деганда режиссёр Йўлдош Аъзамов мени бош ролда ўйнашимга рози бўлмаган. Ҳаммамнинг олдида "Бу қиз ҳали кичкина бўлса, қандай бош ролга оламан. На бўйи, на қомати бор" деб айтган. Шунда Туроб ака "Сценарий фақат Клара учун ёзилган. Ундан бошқа қиз суратга тушиши мумкинмас" деганларидан кейингина тасвирга олиш ишлари бошланган. "Мафтунингман" чалик ҳеч қайси фильмда бунчалик қийналмаганман. Ёз фасли, ҳаво иссиқ. Мени тўлароқ кўрсатиш учун қават-қават кийинтиришарди. Санъат акага етказиш учун оёғим тагига тахталар қўйиб, ижодий гуруҳ тер тўкарди. Бастакор Мутал Бурхоннов "Фильмдаги ролинг ва "Дүппи тикдим" қўшиғинг билан ўзингга ҳайкал ўрнатдинг", — деб айтгандилар. Ҳақиқатан ҳам қаерга бормай, шу фильм билан мени тилга олишди. Ўшбу кино олти ой мобайнида бутун республика бўйлаб тинимсиз қўйилган илк фильм бўлди. "Мафтунингман" Москвада ҳам қўйилган ва ўн куннинг ичида у ерда ҳам энг кўп томошабин йиққан фильм бўлган экан.

ТЎЙДА ҲЕЧ ҚАЧОН ПУЛ ОЛМАГАНМАН

Халқимиз ҳозиргача хизматларга, тўйларга қақиради. Ўзининг қувончи кўнига ҳавас қилиб қақирса, нима учун мен пул олар экан-

ман? Халқимнинг менга берган меҳридан бўлак ҳеч нарсаси керакмас! Ҳаётда оддий яшадим. Менинг оддий турмуш тарзимни кўрганлар ҳайронлигини яширмайди. Учаска қилмадим, тиллага бурканмадим. Оддий ва ҳалол яшадим. Иймоним бутунлигидан мана бугун юзим ёруғ, кўнглим хотиржам.

ЙИГИРМА САККИЗ ЙИЛ ДЕГАНДА УНВОН ОЛГАНМАН

Тан оламан, санъатда жуда қийналганман, эзилганман. Ижодимни бошлаганимдан кейин йигирма саккиз йил деганда унвон олдим. Кўпчилик нега каттароқ унвон ҳалигача олмагасиз дейишарди. Ҳар қандай муқофотдан кўра, халқимнинг берган меҳри, эътибори кўпроқ муҳим деб жавоб берарман. Қанчадан-қанча тўхмат тошлари отишди, бўҳтонларнинг тағида қолиб кетган давларим бўлди. Лекин ҳаммасини вақтнинг измига қўйдим. Чунки ҳақиқат барибир юзага чиқар экан. Алишер Навоий номидаги кутубхонанинг очиш маросими бўлганида, давлатимиз раҳбари раҳматли Ислам Каримов фонган бошлангидан то тўхтагунга қадар Клара Жалилованинг қўшиқларини қўйинг, деганларини эшитиб, хурсандлигимдан роса йиғлаганман.

КАНДАЙ ҚАРИГАНИМИ БИЛМАЙ ҚОЛДИМ

Ҳозирги кунга келиб фильмларимни "Ойнаи-жаҳон"дан бериб қолса, умрим шиддатли тарзда тез ўтиб кетганини ҳис қиламан. Одам қандай қилиб қариганини билмай қоларкан. Ёшлик даврларига барибир ҳеч нарса тенглаша олмаслиги ҳақиқат экан. Агар ўша ёшлигим ҳозир қайтиб келганида кўп нарсаларни ўзгартирган бўлардимми?...

"КЕЛИНЛАР КЎЗГОЛИНИ"ДАГИ ҲАНГОМАЛАР

"Мафтунингман"дан кейин "Келинлар кўзголини" фильмигача кўнглимга ёқадиган фильмда суратга тушмадим. Қашқадарёга гастроль сафарига борганимизда, телевизорда берилаётган кинони кўриб йиғлаб ўтиргандим. Режиссёр, раҳматлик Мелис Абзалов кўнжирок қилиб, "Эртагаёқ Тошкентга етиб кел, ҳеч қанақа кастингсиз "Келинлар кўзголини"га қабул қилиндинг" деганлар. Ҳозиргина йиғлаб ўтирган одам хушхабардан рақсга тушиб кетганман...

...Эртасигаёқ етиб келганман. Раҳматли Обид Юнусов билан даразадан ташқарига чиқадиган сахнасини олишга бутун бошли ижодий гуруҳ, айниқса, Обид ака қийналиб кетганлар. Сабаби, ҳаммага аён ўша вақтларда тулишгандим. Обид ака кўтаришга қийналиб, "Клара озағин бўлмайди"ми? "деб, айтганлари ҳеч ёлғиздан чикмайди.

ФУТБОЛНИНГ АШАДДИЙ МУХЛИСИМАН

Болалигимда феълим йигитларникидан кам бўлмаган бўлса-да, футболнинг мухлиси бўлмаганман. Рустам акага турмушга чиққангидан сўнг, у киши билан футбол кўравериш, футболсевар аёлга айланганман. Ҳозиргача бирорта ҳам футболни қолдирмаман.

АРМОНИМ...

Олти йил олдин ўғлим саратон касаллиғи туфайли 47 ёшида вафот этди... Онага фарзанднинг ўлимидан ортқ азоб бормикан. Айниқса, фарзанди ўлишини олдиндан билса. Фарзанд борасида ўзи армоним бор эди, ўғлимнинг вафоти бу армонини янада оғирлаштириб юборди. Раҳматли ўғлим жуда китобсевар эди. Икки кунда катта-катта асарларни ўқиб чиқарди. Қиз фарзанд кўрмаганимдан қўп қийнардим, синглим оламдан кўз юмганида қизини ўзим боқиб олгандим. Худода шукри, яхши тарбия берган эканамми, қўли гул ҳамма ишни бажариб кетаверарди. Ҳозир эри билан Америкада яшайди. Узоқ юртда бўлса ҳам доимо менинг ғамимни ейти, тез-тез ҳолимдан хабар олиб туради.

ТАҚДИР ҲАҚИДА

81 ёшга кирибман... Бу ёшга етганлар бор, етмаганлар бор. Ҳаётим давомида кўп қийинчиликлар кўрдим. Бошимга тушган энг оғир мусибат, ўғлимни тупроққа қўйганим бўлди. Ишонасизми, ўша давларда бу дард мени енгади, сабр қилолмайман деб ўйлагандим. Аммо... ҳаёт давом этар экан. Ўғлимсиз — суянчимнинг бири-сиз яшаш оғир эди. Тўнғич ўғлим Фуқрат ёлғиз бўлди, дардимни бироз бўлса-да олди. Ўрта бўлса ўрни бўлак деганларидек, барибир юрагимнинг бир бўлаги кичик ўғлим билан кетди.

Шахсий ҳаётимда балки орзу қилганимдек яшамагандирман, аммо ўтган умримга назар ташлаб, афсус қилмайман. Халқимнинг меҳрини қозондим. Шунинг учун тақдиримдан миннатдорман.

Феруза РАҲИМОВА ёзиб олди.

Улуғ фазилатли кунлар

1 Халифа хизматкорларига мусофирни бир кўза олтин билан сий-

лаб, дарё йўли билан кузатиб қўйишни буюрди. Халифи одам йўлида Дажла дарёсини кўриб, нега халифа шунча сув бўла туриб менинг сувимни олиб қолди ва эвазига шунча олтин берди, деб ҳайрон бўлди.

Аслида халифа у кўзада келтирган сувга муҳтож эмас эди. Бироқ, у саховати туфайли Аллоҳнинг бу бандаси кўнглидаги ихлосини қадрлаш, уни шод этиш учун бир кўза

олтин ҳадя қилганди. Шубҳасиз, шундай эҳсон қилиб Яратганининг саодатига ҳам орзуманд эди.

Қиссадан ҳисса шуки, Аллоҳ таоло бизнинг қурбонлиқларимизга муҳтож эмас. Биз эса доимо Раббимизнинг иноятига, раҳмати ва мағфиратига муҳтожмиз. Ояти қаримада: "Аллоҳга (қурбонлик) гўшлари ҳам, қонлари ҳам етиб бормас. Лекин у Зотга сизлардан тақво етар" (Ҳаж сураси, 37-оят), дея марҳамат қилинган.

Толибжон НИЗОМ.

» Мужда

Тасвирларда ёшлар ҳаёти



Ж.ҚУЗИМУРДОВ. Ўза фотоси

Президентимиз томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббус асосида ташкил этилган "Юртим ёшлари ҳаёти" танловининг Сурхондарё вилояти босқичи бўлиб ўтди.

Унда ёш мўйқалам соҳиблари ёшлар ҳаёти акс эттирилган ижод намуналари билан қатнашди, 10 ёшдан 15 ёшгача бўлган ижодкорлар ўртасида Азизжон Ақмуродовнинг тасвирий иши ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори

баҳоланди. 15-18 ёшли рақомлар ўртасида эса Дилдора Олимжонова ўз санъат асари билан биринчи ўринни эгаллади. Ҳолиблар танловнинг мамлакат босқичига йўланма олди.

А.СОДИҚОВ.

» Тафаккур

Жалолиддин РУМИЙ

Ният одамнинг юзидан кўришиб туради

Ғам егин-у ғамингни орттирганларнинг, сени дардга дучор қилганларнинг нонини ема. Чунки ақлли одам ғам ейди, бола эса қанд!

Ният одамнинг юзидан кўришиб туради. Чунки юз ичдаги сирни сиртга чиқаради.

Билимсиз, кўр ҳолда юз йил юрса ҳам, унинг йўли йўл саналмайди.

Товус деҳқоннинг уйида яшамаганидек, ҳақиқат илми ҳам ҳар анойининг мулки бўла олмайди.

Яхши одамнинг кўнглига ёмон фикр келдими, бу бежиз эмас, бунинг бир сабаби бор.

Оддий ўтлар икки ойда етилади. Аммо хушбўй атиргул бир йил деганда гулга қиради.

Кўршапалак қуёшни кўра олмайди. "Кўрпман" деса ҳам кўргани қуёш эмасдир.

Сабоҳат БОЗОРОВА тайёрлади.

Эълон

Тошкент давлат университети томонидан Парпиходжаева (Ахмедова) Малика Латипходжаевнага 1997 йилда берилган № 183560 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Манзил: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер А.Содиқов томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: Х.Файзиёва, Мусахҳиш: Ш.Убайдуллаева.

"O'zbekiston" НМИУ босмахонасида chop этилади. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмиси

Бош муҳаррир
Абдураул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
Баҳоли қилинган нархда

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлади. Матбуотларингизни кутамиз.

Адади: 4010
Буюртма — V-3673
1 2 3 4 5

Телефон: (0-371) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (0-371) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими:
(0-371) 244-32-88

Топшириш вақти — 20⁰⁰
Топширилди — 21⁰⁰

Обуна индекси:
якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233